



ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

10 декабрь куни Президент Ислон Каримов пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган янги қурилиш ва иншоотлар, жумладан, шаҳарнинг Эски Жўва майдонида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишди.

Маълумки, Тошкентнинг қадим тарихга, ўзига хос қиёфага эга бўлган, аҳоли зич яшайдиган Эски шаҳар қисми доимо давлатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келади. Айниқса, мустақиллик йилларида бу жойларни ободонлаштириш, унга замонавий кўрк ва чирой бахш этиш, эски тузум даврида ечилмай келган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кўп иш қилинди.

Хусусан, даставвал Сағбон, Қорасарой, Чимбой, Фафур Ғулом, Форобий каби эгри-бугри, тор кўчалар кенгайтирилиб, равон магистрал йўллар барпо этилди. 167 гектардан ошиқ ҳудуд кўкаламзорлаштирилди. Қарийб етмишта маҳалла гузари, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим масканлари, маданий-маиший иншоотлар қуриб, ишга туширилди.

Бугунги кунда ушбу даҳанинг маркази бўлмиш Эски Жўва майдони ва унинг атрофидаги ҳудудларни замонавий асосда тубдан реконструкция қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз бу ишлар билан танишар экан, аввало, Эски шаҳарнинг шарқона қиёфасини

сақлаб, уни ҳозирги замон шарҳсозлик талаб ва тамойиллари билан уйғунлаштирган ҳолда қайта қуриш ва ободонлаштириш масаласига эътибор қаратди.

«Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари, десак, хато бўлмади. Эски шаҳар — қадимийлик ва миллийлик тимсолидир, — деди Ислон Каримов. — Лекин, бу ердаги мавжуд бугунги ҳолат бизни қониқтирмайди.

Эски шаҳар ҳудуди шаҳримизнинг бошқа туман ва мавзелари қатори энг кўркам ва замонавий қиёфа касб этиши учун барча куч-имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим».

Бугун Эски Жўва майдонида қадам қўйган одам бу ерда ана шу мақсад йўлида катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади.

Хусусан, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Зарқайнар ва Сағбон кўчалари бошланадиган ҳудудни, Эски Жўва бозорини тартибга келтириш, бу ерда кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Жумладан, транспорт қатновини яхшилаш учун автомобиль йўлларини янада кенгайтириш, ён-атрофда яшил майдон ва

гулзорлар барпо этиш, жазира-ма иссиқдан сақлайдиган дарахлар ўтқозиш, бу жойларнинг паст-баланд ерлардан иборат эканини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида меъморий ёндашув ва ечимлар топиш зарурлигини таъкидлади.

Айниқса, бозорга келадиган аҳоли учун ҳар томонлама қулайлик яратиш, Эски Жўва майдонида транспорт оқимини бошқариш ишларини оқилона йўлга қўйиш лозимлигини уқтирди.

Кейинги йилларда Эски Жўва бозорини кенгайтириш ва тартибга келтириш мақсадида бирмунча ишлар қилинди. Лекин, уларни ҳали талаб даражасида деб бўлмади. Шу сабабдан Юртбошимиз бу масалани жиддий қайта кўриб чиқиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу борада ёғингарчилик пайтида бозор ҳудудига қорёғир сувларининг оқиб тушиши оқибатида юзага келадиган антисанитария ҳолатларига барҳам бериш, савдо ва овқатланиш шохобчалари ишини замонавий асосда ташкил этиш, бир қатор биноларнинг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Бу ерда амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳажмини ҳисобга олиб, Юртбошимиз мутасадди раҳбарларга Эски Жўва ҳудудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш вази-фасини топширди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг тарихидан муносиб ўрин олган аъноналари, миллий қадриятлари билан биргаликда, машҳур меъморий обида ва ёдгорликлари, маъмурий бинолари ҳамда бош майдонлари бўлади.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони ҳам ана шундай тарихий аҳамиятга эга маскандир.

Истиқлолимизнинг биринчи кунларидан эътиборан Президентимиз раҳбарлигида кўплаб тарихий, сиёсий, ижтимоий воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу майдонга янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг қиёфасини тубдан янгилаш бўйича кўп ишлар қилинган жамоатчилигимизга яхши маълум.

Ҳозирги кунда ана шу ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ҳақда тўхталар экан, Мустақиллик майдонини реконструкция қилишда яхлит меъморий ва ғоявий ечим асосида ёндашиш зарурлигини уқтирди.

Шу кунларда Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида бунёд этилаётган Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлмиш Сенат биноси пардозлаш ишлари охирига етказилмоқда.

Сенат биноси ўзининг улғуворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ифода этиши,

халқимизнинг гурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилиши керак.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бу майдон, ундаги Сенат биноси юртимизнинг узоқ-яқин шаҳарқишлоқларидан пойтахтимизга келадиган юртдошларимиз учун зиёратгоҳ бўлиши, бу ерга қадам қўйган одам истиқлолимиз руҳини, эркинлик нафасини янада теран ҳис этиши лозим, дея таъкидлади Президент.

Бош майдонимизда, Анҳор соҳилида амалга ошириладиган кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишлари ҳам ана шу мақсадга қаратилиши, яъни одамлар учун, уларнинг хордиқ чиқариши учун шароит яратиб бериши даркор.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонини реконструкция қилиш, бу ердаги 19 қаватли маъмурий бинони майдоннинг умумий меъморий қиёфаси билан мутаносиб ҳолга келтириш, майдоннинг рамзий дарвозасини яратиш, бу ишларда замонавий ва миллий меъморчилик аъноаларининг уйғунлигига, қурилиш ва безак материалларининг сифатига талабчанлик билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, бутун юртимиздаги каби азим пойтахтимиз Тошкентда олиб борилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос тимсоли бўлиб, ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси 10-банди, 35, 36, 41-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси қалинлиги 70 гр/м², сув белгили, оппоқлиги камида 85 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент типография

фабрикаси томонидан тайёрланган матбаа офсет қоғозидан босилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг ўлчами А-4, 297x210 мм дан иборат бўлиши лозим;

сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг матни сайлов бюллетени ҳамда сайлов варақасининг фақат бир томонига бир хил (қора) рангда жойлаштирилади, бунда қуйидагилар тўқ қора ҳарфларда ажратиб кўрсатилади:

(Давоми 2-бетда)

ТАРБИЯДА МУҲИМ ОМИЛ — МЕТОДИКА



Тарбия беришнинг усуллари кўп. Лекин улардан энг мақбули ва самаралиси қўллансагина, натижа бўлади. Хива туманидаги 7-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Санобар Атажонова ҳам ўз иш услубига эгаки, унинг тарбияланувчилари ўқувчи ёки талаба бўлганида ҳам йўқлаб келишади. Тарбиячининг айтишича, педагог ҳар қандай методиканинг энг афзал жиҳатини қўллай олсагина, бола қизиқиш билан маълумотларни ўзлаштиради. Айниқса, диққати тарқоқ боғча боласининг машғулотларда зерикмасдан, сабр билан қатнашиши учун тарбиячидан маҳорат талаб қилинади.

Таълим-тарбия беришдаги муҳим омил — бу методика деган хулоса шу ерда ўринли.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига
доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

а) сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг номланиши;

б) сайлов округининг номланиши;

в) сайлов ўтказиш санаси;

г) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

д) депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи;

е) сайлов бюллетени, сайлов варақасининг пастки қисмида катта ҳарфлар билан жойлаштирилган уларни тўлдириш тартиби бўйича тушунтириш;

ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизик билан ажратилган бўлиши керак;

сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари фақат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйича ҳамда кузатуви остида сайлов ҳужжатларини тайёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа ташкилотларида тайёрланади;

матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг яроқли ёки яроқсизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини олиш ваколатига эга бўлган, уларни тайёрлаш учун буюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек, топширилаётган сайлов бюллетенлари ҳамда сай-

лов варақаларининг сони кўрсатилади. Буюртмага мувофиқ миқдордаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари яроқсиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларини дарҳол йўқ қиладилар ва бу ҳақда далолатнома тузадилар, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

3. Таъкидлансинки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар;

участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонида бўш катакчалар жойлаштирилади;

ҳар бир сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак;

овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланilmagan барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

сайлов варақалари сайлов ўтказилишидан ўн беш кун олдин участка сайлов комиссиясига келтирилиши керак;

участка сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов варақаларининг сони, қоида тариқасида, сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонининг ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

овоз бериш тугагач фойдаланilmagan барча сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан Мар-

казий сайлов комиссиясининг тегишли сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни рўйхатга олиш бўйича қарорига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг матнларини тасдиқласинлар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган миқдорини белгиласинлар.

6. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов варақалари билан 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, сайлов бюллетенлари билан 2004 йилнинг 23 декабрига қадар таъминлашни ташкил этсинлар.

7. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясига сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини топшириш далолатномасининг намунаси тасдиқлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Хўжаева зиммасига юклансин.

Марказий сайлов
комиссиясининг
Раиси

Б.Мустафоев

Тошкент шаҳри,
2004 йил 20 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ		1-илова
		Участка сайлов комиссиясининг муҳри
(имзо)		(имзо)
00-Наврўз сайлов округи		2004 йил 26 декабрь
№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб ким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)	Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги-крестик қўйинг
1.	АНТОНОВ Михаил Михайлович, 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
2.	БОТИРОВ Турсун Пўлатович, 1940 й. "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси	<input type="checkbox"/>
3.	РАСУЛОВ Ботир Фуломович, 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси	<input type="checkbox"/>
4.	УМАРОВ Ўқтам Рўзиевич, 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи	<input type="checkbox"/>
5.	ФОЗИЛОВ Махмуд Маҳкамович, 1965 й. Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)	<input type="checkbox"/>
6.	ЯНГИБОЕВА Шахло РУСТАМОВНА, 1954 й. Бекобод шаҳри 15-ўрта мактаб директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)	<input type="checkbox"/>
Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги-крестик қўйинг. Биттадан ортиқ бўш катакчага белги-крестик қўйилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.		

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир САЙЛОВ ВАРАҚАСИ		2-илова
		Участка сайлов комиссиясининг муҳри
(имзо)		(имзо)
00-Наврўз сайлов округи		2004 йил 26 декабрь
№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб ким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)	Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги-крестик қўйинг
1.	АНТОНОВ Михаил Михайлович, 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
2.	БОТИРОВ Турсун Пўлатович, 1940 й. "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси	<input type="checkbox"/>
3.	РАСУЛОВ Ботир Фуломович, 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси	<input type="checkbox"/>
4.	УМАРОВ Ўқтам Рўзиевич, 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи	<input type="checkbox"/>
5.	ФОЗИЛОВ Махмуд Маҳкамович, 1965 й. Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)	<input type="checkbox"/>
6.	ЯНГИБОЕВА Шахло РУСТАМОВНА, 1954 й. Бекобод шаҳри 15-ўрта мактаб директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)	<input type="checkbox"/>
Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги-крестик қўйинг. Биттадан ортиқ бўш катакчага белги-крестик қўйилган сайлов варақаси ҳақиқий эмас деб топилади. Тўлдирилган сайлов варақаси конвертга солиниб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдирилади.		

Маънавий-маърифий, сиёсий, иқтисодий тамаддунинг тарихан қисқа, бироқ барча соҳаларда айтишга арзирли натижалари билан ҳаётимизга ўзгача мазмун бағишлаган даври тажрибаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миллий тикланиш, иқтисодий ривожланиш ва маънавий камолга етишда мамлакат Конституциясининг аҳамияти муҳимдир. 1990 йилда қабул қилинган Мустақиллик декларацияси асосида ишлаб чиқилган бош Қомусимиз 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Бу билан мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори қўйилди. Таъкидлаш лозимки, БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт" каби умумэтироф этилган энг муҳим қоидалари ўз ифодасини топгани учун ҳам Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган. Инсонпарварлик, тенглик, адолат тамойилларига алоҳида эътибор берилган бош қомусимиз демократия ғояларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги жиҳатидан ҳам энг мукамал Конституциялардан ҳисобланади. Мазкур ҳужжат кўппартиявийликнинг шаклланишини, жамоат бирлашмаларининг фаоллашувини таъминлаш орқали мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишига кенг йўл очиб берди. Унда белгиланган қонун олдида тенглик тамойили, миллий давлатчиликнинг демократик асосларини белгиловчи, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни қамраб олган меъёрлар кундалик ҳаётимизда юксак маънавий қадриятлар қарор топишини таъминлапти.

Мамлакатда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартли сифатида қаралаётган бўлажак сайловларда сиёсий партиялар ҳамда нодавлат ташкилотларнинг иштирокини янада фаоллаштиришда ҳам Конституциянинг алоҳида ўрни бор. Асосий Қонунда кўппартиявийлик асосида сиёсий плюрализм институтлари фаолиятини ривожлантиришга урғу берилиши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида бирорбир партия ёки сиёсий тузилманинг сунъий устуворлик касб этишига барҳам берди. Унга кўра, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланди, диний эътиқод ва диний ташкилотлар фаолиятига монелик қилувчи тўсиқларнинг олиб ташланиши ҳам ижобий воқеа бўлди.


Икки палатали тизимнинг шаклланиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар йўлидаги муҳим қадам эканлиги шубҳасиздир. Шуни таъкидлаш лозимки, барча мамлакатлар ўз қонунчилик услуби ва тамойилларига эга. Ўзбекистонда ҳам ўзига хос қонунчилик органи шаклланапти. Янги парламент жамиятда демократия тамойилларини мустаҳкамлашда, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Демак, икки палатали парламент тизимига ўтиш бошқарувнинг маҳаллий тармоқлари ишини ижобий таш-

кил этишга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз.

Айни пайтгача фаолият кўрсатиб келган Олий Мажлис томонидан унинг Қонунчилик палатаси ва Сенатига доир Конституциявий қонунлар қабул қилиниши ўзига хос сиёсий воқеа бўлди. Бу қонунларда парламентнинг ҳар икки палаталарини шакллантириш, уларнинг ваколатлари каби масалалар қонуний белгилаб қўйилди. Олий Мажлисининг иккинчи қақариқ ўн биринчи сессиясида эса, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Конституцияга киритилган ўзгартиришлар ичида юртимизда икки палатали парламент тузиш масаласи ҳам алоҳида аҳамият

балки сиёсий ҳамкорлик ишлари ҳам йўлга қўйилди. Ҳамкорлигимиз ва стратегик шериклик ҳар томонлама кенгайиб, ўзаро муносабатларимиз янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистонда икки палатали парламент қарор топиши халқаро ҳамкорлик ривожини учун янги имкониятлар яратишини инобатга олиб, бошқа юрт парламентлари делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюра бошлади. Уларнинг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан доимий мулоқотда бўлиши, чет мамлакатлардан ва халқаро ташкилотлардан келган мутахассисларнинг сайловолди семинарларида фаол иштирок этиши, парламентаризм соҳасидаги тажрибаларимизнинг юқори баҳоланиши бунинг яққол далилидир. Маълумотларга қара-

Сайловга
15 кун қолди



ХАЛҚ ИРОДАСИННИНГ ИФОДАСИ

касб этиши шубҳасиз. Сабаби Қонунчилик палатаси Олий Мажлисида доимий ишлайдиган орган сифатида жорий қилинди. Эндиликда депутатлар бевосита қонун яратиш иши билан банд бўлади. Худудий вакилликка асосан эса, юқори палата, яъни Сенат шакллантирилади. Ривожланган демократик мамлакатларда (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Япония) икки палатали парламент фаолият кўрсатаётганини инобатга олсак, танланган йўл тўғри эканлиги янада ойдинлашади. Чунки бундай парламентда демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ рўёбга чиқиши ҳаётий тажрибалар орқали ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоаларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин» дея мамлакатимизнинг ташқи сиёсатга оид тамойили белгилаб берилган. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида бой табиий ва меҳнат захираларига, етуқ интеллектуал салоҳиятга эгаллиги билан муҳим ўрин тутувчи давлат бўлгани боис, халқаро жамоатчилик юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, ривожланиш жараёнларига катта қизиқиш билан қарай боради. Мамлакатимиз билан хорижий мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлари ўрнатилиб, нафақат иқтисодий,

бўлажак сайловларни кузатиш учун дунёнинг 30 мамлакатидан 150 га яқин халқаро кузатувчиларнинг келиши кутилмоқда. Маҳаллий ва хорижий ташкилотлар ҳамда давлатлардан кўплаб мустақил кузатувчилар сайловолди ташвиқотлари ва бевосита овоз бериш жараёнларида Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигига риоя қилинишини кузатиб боради. Бу биринчидан, янги парламент сайлови ошқоралик ва демократик тамойилларга амал қилган ҳолда ўтишига муносиб шарт-шароит яратилаётганлигидан далолатдир. Қолаверса, Ўзбекистоннинг ўз сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга бўлган интилишини ҳамда кейинги пайтда унга киритилган демократик ўзгаришларнинг халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланганини билдиради.

Ҳуқуқий жамиятни барпо этишга йўналтирилган ислохотлар маълум вақтдан сўнг ўз самарасини бера бошлайди ва жамоатчиликнинг муносиб баҳосини олади. Халқимиз референдум орқали маъқулланган икки палатали парламентни ташкил этишга доир ғоя ҳам маълум вақт ўтгач мамлакатда демократияни ривожлантириш, ижтимоий соҳа тараққиёти, фуқаролар ва давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий мулоқотни фаоллаштиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шакллантирилишини демократик ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилиш мумкин. Ҳар бир жамият ижтимоий шароитдан келиб чиқиб ўз парламент тизимини ташкил этгани каби, бугун Ўзбекистон ҳам хориж тажрибасини ва миллий қадриятларини умумлаштирган ҳолда ўз сиёсий тизимини яратаётгани фикримизга асос бўлади. Меҳмондўстлик, бағрикенглик, аҳиллик, меҳр-мурувватлилик каби Конституция ва демократик тараққиёт тамойиллари миллатимизга хос азалий фа-

зилат бўлиб, Ўзбекистонда яшаётган юздан зиёд миллат ва элатларнинг дўстона яшаши, меҳнат қилиши, бир сўз билан айтганда, яратувчанлик ишқида умргузаронлик қилишининг асосидир. Асосий Қомусимизда мамлакатимизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликка, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги мустаҳкамлаб қўйилгани юртимизда кўплаб миллий маданият марказлари, турли конфессияга мансуб ташкилотларнинг эркин фаолият кўрсатишини, тинчлик ва оқойишталикни, инсонга ҳурмат ва эътиром, ҳамма учун тенг шароит яратилишини амалда таъминламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурч ва мажбуриятлари инсонпарварлик тамойиллари асосида белгилаб берилган. Унинг ҳар бир жумласи мазмун-моҳиятини тегна ўрганиш, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгига чуқур сингдириш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадга мувофиқдир. Конституция ҳуқуқий саводхонликнинг асоси бўлиб, унинг талабларини чуқур англаш, ҳаётда уларга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг дастуриламалига айланиши керак. Мазкур йўналишда, айниқса, таълим тизимида муайян ишлар амалга оширилаётгани қувончлидир. Ҳозирда Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганиш йўлга қўйилган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари учун махсус дарсликлар тайёрланган. Конституциямизнинг моҳиятини, ижтимоий аҳамиятини нафақат ўсиб келаётган авлод, балки ҳар бир фуқаронинг англаб етиши жамият ҳаётига мазмун бахш этади.

Фахриддин КАРИМОВ

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ

— Қандай ҳолларда такрорий сайлов ўтказилади?

— Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади. Такрорий овоз бериш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ТАКРОРИЙ САЙЛОВИ

— Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) агар сайлов округида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса,

б) агар такрорий овоз бериш Қонунчилик палатасига депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаган бўлса,

в) агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

1-синфга қабул қилинаётган бола мактабда ўқиш шароитига ҳар томонлама тайёр бўлиши керак. Бу борада мактабгача таълим муассасаларининг аҳамияти беқиёс. Негаки, бу ерда уларни мактабга тайёрлаш учун мутахассислар турли хил йўсинда фаолият олиб борадилар. Маълумки, мактабнинг 1-синфига қабул қилинаётган болалар психологик-педагогик ташхисдан ўтказилганда уларда тўлиқ ривожланганлик билан бирга, айрим муаммолар ҳам учрайди. Ана шундай муаммоларни бартараф этиш, соғлом авлодни шакллантириш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор амалий чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Халқ таълими вазирлиги, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик

ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

республика ташхис Маркази ташаббуси билан ўтказилган "Олти ёшли болаларни мактабга қабул қилиш ва мослашиш динамикаси" мавзудаги илмий-амалий семинар ана шу муаммолар ечимига бағишланди.

Уни Марказ директори Х.Рашидов кириш сўзи билан очди. Сўнгра мутахассисларнинг асосий маърузалари тингланди.

Даставвал Ўзбекистон Миллий университети "Педагогик ва ёш давлари психологияси" кафедраси мудири Б.Қодиров "Олти ёшли болаларнинг мактабга

тайёрлиги муаммосига комплекс ёндашув" мавзусида маъруза қилди. "Олти ёшли болаларнинг нутқий ривожланганлик даражасини текшириш" мавзусида ўқув коррекцион-реабилитацион "Лола Мўминова" Маркази директори Л.Мўминова мулоҳаза билдирар экан, боланинг гапириш, мушоҳада қилиш, фикрлаш қобилиятини шакллантириш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Тошкент вилояти, Пискент тумани ташхис Маркази раҳбари Н.Қодирова "Олти ёшли болаларни пси-

хологик-педагогик ташхисдан ўтказиш ва уларнинг мактабга мослашувчанлигини аниқлашдаги муаммолар" хусусида ўз тумани мисолида фикрларини билдирди. ХТВ Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва ташкил этиш Бош бошқармаси бошлиғи Й. Асадов ўз маърузасида олти ёшли болаларнинг ривожланиш динамикасини ўрганиш ва ундаги салбий бурилишларнинг олдини олиш муаммолари хусусида фикр юритди.

Тадбир якунида тренинг-машғулотлар ўтказилди. Шундан сўнг ўзаро савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар орқали иштирокчилар ўз билим ва малакаларини оширдилар.

Фафур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Maktabga yordam — millatga yordam

Қизилтепа туманидаги 26-ўрта мактабда фанлар чуқурлаштирилиб ўтилиши сабабли ўқувчилар сони бошқа мактабларникига қараганда кўпроқ.

Айрим таълим муассасаларидаги каби моддий-техника ҳолати бўйича камчилик ва муаммолар бу мактабда ҳам мавжуд эди. Иситиш тизимлари ишдан чиқиб, деворлари ёрилиб, ўқув жиҳозлари ҳам ночор бир кўринишга келиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган эди.

Мазкур ўқув йилида мактабда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Унга "Магистрал йўл қурилиши" корхонаси ҳомийлик кўрсатиб, ўз ҳисобидан 3 млн. сўм пул ажратди. Туман халқ таълими бўлими

7 млн сўм, ширкат ҳўжалиги 1 млн сўм маблағ ажратиб, мактабнинг 1-қавати таъмирдан чиқарилди. 2-қаватнинг таъмири эса, ота-оналар ва ўқитувчилар кўмагида амалга оширилди. Ҳозир иситиш тармоғи яхшиланиб, хоналардаги стол-стулар

Кўпчиликнинг Кучи

янги-ланди. Заллар бирмунча кенгайиб, ўзгача қиёфа акс этмоқда. Хуллас, қилинган барча саъй-ҳаракатларнинг самараси дарҳол кўзга ташланиб қолди.

Айни дамда мактабнинг ҳам ички, ҳам ташқи ҳолатидаги ўзгаришлар, кўпчиликни қувонтирмоқда.

Зебо ҚУТЛИЕВА

Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида тўғарак аъзолари ўртасида "Қомусли эл — номусли эл" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда устоз-педагоглар, ҳуқуқшунослар, тўғарак раҳбарлари қатнашдилар.

Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази бош директори Убайдулла Парпиев иштирокчиларни Конституциямиз қабул қилинганлигининг 12 йиллиги билан қизгин табриклади. Шундан сўнг Яққасарой туманидаги 118-мактабнинг "Ёш сайёҳ-эколог"

САЙЁҲ-ЭКОЛОГЛАР БЕЛЛАШДИ

тўғараги аъзоларининг "Замин" ҳамда Миробод туманидаги 214- мактабнинг "Адабий ўлкашунослик" тўғараги аъзоларининг "Адолат" гуруҳлари ўртасида мусобақа ўтказилди. Ўқувчилар байрам кечасида кўшиқлар куйлашди, рақсга тушишди, шеърлар айтишди. Тадбирга ҳар иккала гуруҳ аъзоларининг пухта тайёрланиб келганликлари яққол кўринди. Тадбир сўнгида фаол иштирок этган тўғарак аъзоларига Марказнинг фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари топширилди.

Ф.РАҲИМОВ,
Марказ ўқув-методика бўлими бошлиғи

ЯНГИ УСЛУБИЙ МАРКАЗ

Пойариқ туманида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган Туркистон оқ лайлагига бағишланган янги услубий марказ очилди. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, БМТнинг Тараққиёт дастури ва Глобал Экологик жамғарманинг "Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш модели сифатида Нурота-Қизилкум биосфера резерватининг яратилиши" лойиҳаси микёсидаги "Экологик таълим ва жамият фикрини шакллантириш" қўшма дастури ва Пойариқ тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тумандаги 6-ўрта мактабда очилган ўқув-услубий марказ ўсимлик ва ҳайвонот олами, ландшафт тўғрисидаги

маълумотлар билан таништиради.

Услубий марказ қошида бундан буён турли хил тренинглар, семинарлар, ўқув дастурлари, дарслар, Нурота давлат кўриқхонаси ходимлари билан учрашувлар ўтказилади.

Марказ тўрида туманда учрайдиган Туркистон оқ лайлагига алоҳида жой ажратилган. Ўқитувчилар томонидан бу лайлакка бағишланган ёш рассомлар танлови уюштирилди. Мактаб директори Людмила Шульга танлов натижаларини эълон қилди. Қўшма дастур номидан ёш табиатшунослар тақдирланди. Расмлар марказдан ўз жойини топди.

Умида УМАРХЎЖАЕВА

«ДОНОЛАР ДОНОСИ»ГА ОФАРИН!

Яқинда "Бунёдкор" ёшлар телеклубида шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишланган "Донолар доноси" шоуи ўтказилди. Кўрик-танловда Акмал Икромов, Бектемир, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Ҳамза ва Сирғали туманлари техник ижодиёти марказлари вакиллари уч шарт асосида ўзаро беллашдилар. "Аллолар бисотидан" деб номланган биринчи шартда Беруний, Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Улугбек каби буюк алломаларимизнинг илмий мерослари ҳақида баҳс-мунозара юритилди.



БАЙРАМ НАШИДАСИ

Пойтахтимиздаги Ҳ.Исломов номи 41-ўрта мактабда бўлиб ўтган байрам тадбири мазкур билим маскани ўқувчилари хотирасида узоқ сақланиб қолса, ажаб эмас. "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусидаги байрам тадбири маҳалла кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

— Ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар демократик давлат қуриш йўлида олиб бо-

Иккинчи шарт бўйича қатнашчилар "Техник кашфиётлар" мавзусида тезкор берилган саволларга аниқ-лўнда жавоб беришга ҳаракат қилишди. Ракета моделини чизиш бўйича ўтказилган учинчи шарт ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Беллашув қизгин тусда ўтди. Ҳақиқий иқтидор эгалари ўзларининг билим ва салоҳиятла-

рини, сўзлашиш ва баҳслашиш маданиятлари юқори даражада эканликларини намойиш этдилар.

Яқиний натижаларга кўра, Сирғали тумани ЎЁТИМ гуруҳи 1-ўринни, Акмал Икромов тумани ЎЁТИМ гуруҳи 2-ўринни ва Бектемир тумани ЎЁТИМ гуруҳи аъзолари эса, 3-ўринни қўлга киритдилар.

Тадбирда фаол иштирок этган 15 нафар иштирокчи фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Тадбирнинг байрамони руҳда ўтишига ҳисса қўшиш мақсадида республика ўқувчилар саройининг "Наврўз" рақс дастаси концерт дастурларини тақдир этди.

"Донолар доноси" фахрли номга эса, Сирғали туманидаги 304-мактабнинг 9-"Г" синф ўқувчиси Бехзод Хушвақтов мушарраф бўлди.

Кўргазма-шоу барчада илиқ таассурот қолдирди.

Азиза ШАМСИЕВА

МУХБИРИМИЗ

Ноҳақлик олдида тек туrolмаслик инсон руҳиятига хос хислат. Аммо, ҳаётнинг аччиқ қисмати баъзан кишининг ўз руҳиятига-да қарши боришга мажбур этиши ҳақиқат. Бироқ, ана шу тазйиқни-да енга олган, ўзлигига содиқ қолганлар кўп ҳаётда. Бу йўл машаққатли...

Телевидение орқали намойиш этилган "Занжир" видеофильмидаги Баҳром образининг кўпчилик томошабинлар қалбидан тезда жой олишини сабаби ҳам шунда, аслида. Зеро, ушбу қахрамон ҳаётнинг оғир чиғирқларида ўзлигини унутмайди.

Театр ва кино саҳнасида 100 га яқин образлар яратган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирзаевнинг дунёқарashi кўп жиҳатдан қахрамони ботиний хисларига уйғун. Бу унинг ёзувчи Тоғай Мурод асари асосида саҳналаштирилган "Ойдинда юрган одамлар"даги Қоплон, "Увайсий" видеофильмидаги адолатсизлик ва жаҳолатга қарши курашувчи Машраб образларидаги чиқишларида ҳам сезилади.

Бугунги меҳмонимиз билан қурган суҳбатимиз айнан маърифат, унинг инсон ўзлигини англашдаги аҳамияти, бунда эса, ўқитувчининг ўрни ва масъулияти хусусида кечди.



— Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида, энг аввало, оиладаги тарбиянинг, қолаверса, мактаб ва ўқитувчининг ўрни алоҳида бўлади. Айтинчи, сизнинг ҳаётингизда улар қандай мавқега эга? Умуман, ўқитувчиларингизни қандай хотирлайсиз?

— Албатта, ўқитувчининг номи улуг, мақсад-муддаоси олий. Очиғи, устозларимни кўп ёдга оламан. Ва ҳар гал уларнинг содда ва самимий, фидойилиги ҳайратимни оширади. Назаримда, ўқитувчиларимиз мактабни биринчи уйлари, ўқувчиларни эса, фарзандларим, деб билишарди. Бинобарин, ўзига "бегона" билган нарса ёки кишига инсон бу қадар меҳр бера олмайди. Ёдимда, адабиёт фанидан Исроилов деган ўқитувчимиз дарсни шу қадар берилиб ўтардиларки, бу фандан бирор мавзунни билмай қолишимизни ўқитувчи ўзининг кечириб бўлмас хатоси деб санарди. Синф раҳбаримиз Темурбой Холматов жуда ҳам қаттиққўл, шу билан бирга, шу қадар самимий ва содда эдиларки, бирор мавзунни ҳар бир ўқувчи тўлиқ тушуниб етмагунча, боладек ортидан эргашиб юраверарди. Ўзимнинг амаким ҳам бизга инглиз тилидан дарс ўтарди. Буни қарангки, устозларимиз ҳаммаша эл олдида юришга, билим жиҳатдан ҳеч бир фандан ортда қолмасликка интилишарди. Бунга ҳамоҳанг тарзда уйимизда — ота-онамизнинг ҳам мактаб ва ўқитувчига эътиқоди биланд эди.

Биз оилада 10 нафар фарзанд бўлганмиз. Шу боис, баъзан кўпроқ ўйинқароқликка берилиб, бирор кун мактабга бормай қолган ёки дарс қилмаган пайтларимизда ўқитувчиларимиз дарҳол бундан ота-онамизни хабардор қиларди. Эътиборлиси, ўқитувчи бизни қанча тергаса, ота-онамиз ҳам ўқитувчи ёнини оларди.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бугун афсуски, гарчи ўқувчи айбдор бўлса-да, ўқитувчидан эшитган қадик танбеҳи учун ота-онасини мактабга бошлаб келаётган ҳолатлар йўқ эмас. Бунда ота-она ўқувчининг ёнини олаётганлиги катта хато бўлмоқда. Айниқса, ўқитувчини ўқувчининг олдида беҳурмат қилиш каби "одат"ларнинг пайдо бўлаётганлиги афсусланарлидир.

Менимча, ўқитувчининг ёмони бўлмайди. Тўғри, тажрибасизроқ муаллим бўлиши мумкин. Бироқ, унинг ҳам мақ-

сади битта — ўқувчига эртанги ҳаётда асқотадиган ниманидир ўргатиш бўлади.

— Ҳар қандай улуг санъаткорнинг биринчи саҳнаси — бу мактаб саҳнаси хисобланади. Шу нуқтаи назардан, мактаб саҳнаси, ундаги илк ижро этган ролингизни қандай эслайсиз? — Ҳақиқатан ҳам мактаб

Боир ХОЛМИРЗАЕВ:

МАКТАБ САҲНАСИ — ЭНГ БУЮК САҲНА

саҳнаси катта-катта саҳналарнинг илк пиллапоёси. Бир жиҳатдан унчалик кўримсиз, ҳашаматли ҳам кўринмайдиган мактаб саҳнаси аслида, энг муқаддас, энг улуг ва энг гўзал даргоҳдир. Зеро, менинг назаримда, ҳеч бир санъаткор йўқки, саҳнага илк қўйган одими, биринчи роли, бокира—ҳали ҳеч кимга айтилмаган орзулари оғушида бўлган пайтларни эслаб, қалби жумбушга келмаса?!

Биласиз, ҳар бир боланинг ўз дунёси бўлади. Унинг туйғулари шу қадар беғубор, содда ва самимийки, фақат ўзига энг яқин кишига айтади сирларини. Боланинг ўзи билан ўзи, ҳатто бирор уй ҳайвони билан ҳам дилдан сирлашини кўрган ёки ўқиган чиқасиз. Мен ҳам дастлаб ўз ролларим, ўзим тўқиган ёки қайсидир кинофильмдан ёд олган шеър ёки кўшиқларни далада, мол боқиб юрганда, ҳеч ким кўринмайдиган жойларда хиргойи қилардим. Кейинчалик ўртоқларимнинг илтимоси билан бирор ролни ижро этиб, уларни кулдираддим. Секин-аста буни ўқитувчиларимиз эшитиб "сенинг овозинг бор, истеъдодинг бор" деган қистовлари билан турли эрталик ва кечаларда шеърлар ўқиганим ҳамон ёдимда. Ўша даврларда мен ўқиган Ҳамза номидаги 11-мактабнинг радиоузели бўларди. Ўша радиода "Сен баҳорни соғинмадингми?" шеърини кўп бора ўқиганман.

Шундай воқеа бўлганди: 8-синфда ўқиётган пайтимда ота-онам "Ўғлим касб-ҳунар ўргансин" деб мени ўша вақтдаги билим юртига ўқишга юбормоқчи бўлишган. Буни қарангки, бу гапдан хабар топган рус тили ва адабиёти ўқитувчимиз Кўзимурод малим (биз ўқитув-

чиларга малим деб мурожаат қилардик) уйимизга келиб: "Ўғлингизнинг овози зўр, санъатга қизиқиши баланд. У мактабни битириб, санъат олий ўқув юртига ўқишга борсин" деб туриб олган. Бу фикрни Темурбой малим, Исломов малим, Матмуродов малимлар кўллаб-қувватлашгач, ота-онам мактабда ўқишни давом эттиришимга шароит яратилган. Энди ўйласам, ўқитувчиларимиз ҳар бир ўқувчи келажига ота-онамиздек, баъзан улардан ҳам кўпроқ қайғуришган экан.

— Айтинчи, санъатга қизиқишингиз, айниқса, мусиқали драмага бўлган меҳрингиз нимадан қувват олган. Зотан, санъатнинг айни тури санъаткордан нафақат маҳорат, балки ширали овоз ҳам талаб этади. Бу бир жиҳатдан мусиқали драма театрида ишлашнинг оғир жиҳати бўлса, иккинчи томондан унинг таъсир кучини ҳам оширади.....

— Санъатга, кўшиққа меҳр шунчаки тугилмайди. У аслида қонимизда бўлади. "Лазги"нинг яратилиши ҳақидаги ривоят бежиз эмас. Менинг Ёдгор бахши номи билан бутун вилоятга машҳур энам бўларди. У киши доира чалиб, кинна соларди.

да. Баъзан менга берилган образни ижро этиш қийин кечади. Шундай ҳолларда ана шу воқеаларни ёдга оламан.

— Инсон — сирли хилқат. У мураккаб образ. Шу нуқтаи назардан қараганда, "Занжир" видеофильмидаги Баҳром образи ҳаётидек. Айтинчи, айни ролни ижро этаётганингизда қахрамонингизга нисбатан қандай туйғуларни туйгансиз?

— Очиғини айтганда, Баҳром образи менинг характеримга, ҳатто ҳаётимга ҳам яқин образ. Уни қанчалик даражада ижро этдим, бу бошқа масала. Ҳаётда яхши инсонлар кўп. Ҳақиқат учун курашувчилар бисёр. Аммо, ноҳақликка учраб, йўлдан адашганлар ва адашмаганлар ҳамда охиригача курашувчилар бўлади. Баҳром образининг ижобий томони у ҳақиқат учун курашади. Салбий жиҳати эса, ёмонликка қарши қасд олишни мақсад қилади. Албатта, сенга зарар етказган кишидан қасд олиш туйғуси ҳар кимда ҳам бўлиши табиий. Энди қай даражада ва қайси усулда бунга жавоб топиш ҳар бир инсоннинг руҳиятидан. Масалан, мен ноҳақликка учрасам, барча нарсани унутиб фақат ишни ўйлайман. Нимадир ёзаман.

Дардларимни, айтмоқчи бўлган гапларимни қоғозга тўкиб, барча кўнгилсизликларни унутаман.

Бизда "яхши ва ёмон" одам деган тушунчалар бор. Менимча, булар нисбий тушунчалар. Шу боис, менга бирор ролни ижро этиш топширилганда агар у салбий қахрамон бўлса ҳам, ижобий томонларини ахтаришга уринаман. Ҳар бир образни теран англамасдан, унинг ҳис-ҳаяжонини ўзида ўтказмасдан ижро этиб бўлмайди. Ана шунда томошабин ишонади. Бугун "артистик" модадан қолди. Бугунги замон актёрдан интеллектуал салоҳиятни, чуқур билимга эга бўлишни талаб қилади.

— Маълумки, сиз нафақат санъаткор, балки ўқитувчи ҳамсиз. Яъни, Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг мусиқали драма бўлимида талабаларга дарс ўтасиз. Айтинчи, устозларингиздан олган қайси ўғитни ўзингизга дастуриламал билиб, талабаларингизга ҳам уқтириб келмоқдасиз?

— Мен буюк санъаткор Шукур Бурхонов яхши кўрган устоз, профессор Абдурахим Сайфиддинов(раҳматли)дан жим туришни ўрганганман. Айтиш керак, ҳамма ҳам жим туrolмайди, паузани ушлаган ҳолда ўқувчининг "ичи"дагини "суғуриб" ололмайди. Устоз биз талабалар қанча ишласак ҳам бир оғиз мақтамасдилар. Арқонни узоқ ташлардилар, ҳар бир гапининг тагида камида уч ёки тўртта маъно бўларди. "Бўлсанглар Шукур Бурхондек артист бўлинглар, бўлмасанглар қишлоғингизга қайтиб кетинглар, чала артист бўлманглар" дердилар доим. Ҳар бир фандан ўзлари имтиҳон олардилар.



"Бизнинг касбимиз, умуман, ўқитувчилик касби фақат лекция ўқиб кетиш эмас, биз шахсни очишимиз керак, инкубатор бўлмаслик керак" дерди. Тўғри-да, масалан, сизнинг дунёингиз бир олам. Мен сизнинг дунёингиз билан алоҳида ишлашим керак. Бошқасиники яна ўзига хос. Ҳамма бир хил оҳ чекмайди-ку! Бир хилда кулмайди, бир хил йиғламайди ҳам. Бу улуг гап!

Шукур Бурхонов юракдан гапир, дерди. Ҳозирги санъаткорлар-чи? Улар юздан гапиряпти, юздан артист, кўшиқчи бўлмоқчи бўляпти. Натижа эса, санъат оламида бир йил "туриш" юз йил тургандек қабул қилинадиган бўлиб қолди. Энг ёмони, бунга кўниқилди. Бу эса, фожеа.

— Театр маданият, маърифат ўчоғи. Театрнинг тарбиядаги ўрнини сиз қандай баҳолайсиз-у, у бугун ўз вазифасини қай даражада уддалаяпти?

— Театр — бу ҳаёт. У ибрат мактаби. Шу боис ҳам унинг тарбиядаги ўрни алоҳида. Албатта, бугунги театрларимиз ўз вазифасини тўлиқ бажара олаяпти, деб айтиш қийин. Нега? Менинг назаримда, баъзи катта-катта театрларимиз энгил спектакллар билан томошабин дидини ўтмаслаштирди. Энди жиддий нарсага тортиш қийин. Бунга вақт керак. Жиддий асарлар саҳналаштирилган театрларга ёшларни жалб этиш лозим. Агар ота-она фарзандини фақат кўнгилочар томошаларга бошласа, эртага бола сал улгайгач, уни ўйлантирадиган, фикрлашга ундайдиган асарларни қабул қила олмайди. Негаки, у энгил-елли нарсага ўрганиб қолган бўлади. Энди ўз-ўзидан унинг фарзанди тақдири қандай кечиши тайин. Кўпчилик ота-она "тасвирий санъатни тушунмаман" деб фарзандини санъат музейларига олиб бормайди. Ҳолбуки, агарда ота-она гарчи ўзи тушунмаса-да, боласини музейга олиб борса, уч ёки тўртинчи маротабадан сўнг боладаги қизиқишининг ўзи уни музейга етаклаши, шубҳасиз.

Театрнинг улуглиги жонли ижрода. Баъзи театрларда фонограммадан ҳам фойдаланиш ҳоллари бўлаяпти. Ахир сўз сунъий бўлгач, у қалбни қандай жунбушга солиши мумкин. Шу боис, мусиқали драма театрига эътиборни қаратиш лозим. Зеро, қалб торларини кўшиқ, куй сеҳри чертади. Аслида, мусиқали театр айни ўзбекники. Халқ сайиллари тарихига бир назар ташланг, бунга амин бўласиз. Тўй-ҳашамлардаги айтишувлар, лапарлар, дostonчилик айнан мусиқали драманинг илдизи эмасми?!

— Суҳбатимиз сўнггида газетамиз мухлислари — ўқитувчиларга билдирадиган тилакларингиз.

— Ўқитувчининг ўқувчи олдидаги бурчи, масъулияти жуда улкан. Истардимки, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотга алдов, фирром аралашмасин. Зотан, ёлғон аралашган жойда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат йўқолади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Баҳодир ЖОВЛИЕВ суҳбатлашди.

МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ «ИМТИХОН» ТОПШИРМОҚДА

Бугунги кунда умумтаълим муассасалари раҳбарларига жиддий талаблар қўйилапти. Директор — ҳукумат томонидан таълим соҳасига оид қабул қилинган ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этадиган масъул шахсдир.

Яқинда Фарғона вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мактаблар директорларининг аттестацияси ўтказилди. Етти кишидан иборат аттестация комиссиясига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат Тест маркази Аттестация бошқармасининг бош эксперти Маҳмуджон Туропов раислик қилди.

— Раҳбар кадрлар, яъни, директорлар аттестациясини ўтказиш жараёнида уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг бажарилишини таъминлаш масаласидаги фаоллиги, шунингдек, мактабда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар сифати ва эгаллаб турган лавозимларига лойиқ эканликларини холис баҳолаш-

Jarayon

га ҳаракат қилаяпмиз, — деди аттестация комиссияси раисининг биринчи ўринбосари, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ташхис маркази директори Ҳикматилла Рашидов. — Ўтказилаётган аттестация, албатта, мактабларда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Аттестация комиссияси аъзолари «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, Вазирлар Маҳкамасининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан, шунингдек, директорларнинг мутахассисликлари бўйича саволлар беришиб, уларнинг таълимга оид ҳукумат ҳужжатларини қай дара-

жада билишларини, раҳбарлик қобилиятлари, билим савиялари, қолаверса, дунёқарашларини аниқлаб олдилар. Шулар баробарида мактаб директорларига Меҳнат кодекси, таълим соҳасига оид бошқа меъёрий ҳужжатлар, миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари, янги педагогик технологиялар, раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан саволлар берилди. Бундан ташқари, комиссия директорларнинг таълим муассасасида олиб бораётган ўқув-илмий, маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолиятлари билан ҳам танишдилар.

Ўтган ҳафтада Риштон тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактаб директорлари аттестациядан ўтказилди. Ўрта умумтаълим муассасалари раҳбарларининг аксарияти аттестациядан муваффақиятли ўтдилар. Бироқ улар ўртасида «шартли» равишда ўтган ёки умуман ўтмаганлари ҳам бўлди.

— Мактаб директорлари бўлишимизга қарамай, нуфузли комиссия олдида бироз

ҳаяжонландик, — дейди аттестацияда «Эгаллаб турган лавозимига лойиқ» деб топилган 22-мактаб директори Фуломжон Алиматов. — Мутахассислигим бўйича рус тили ўқитувчиси бўлганим сабабли таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқ саволлар билан биргаликда менга комиссия раиси: «Достоевскийнинг қайси асарларини ўқигансиз?» деган савол берди. Ҳаяжонланганимдан буюк ёзувчининг машҳур асарларидан биргина «Жиноят ва жазо»ни эслабман, холос.

Аттестация тугаганидан сўнг комиссия хулосалари эълон қилинди. «Эгаллаб турган лавозимига шартли равишда лойиқ» деб эътироф этилган директорлар олти ойдан сўнг қайта аттестациядан ўтказиладиган бўлди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ

Ҳамза туманидаги 226-мактабда «Конституция — бош қомусимиз» мавзусидаги зукколар мусобақаси ва иншолар танлови бўлиб ўтди. Бу мусобақаю танловларга «Конституциявий ҳуқуқ асослари», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари»

фанлари

СИНФЛАРАРО БЕЛЛАШУВ

Ўқитувчиси Ақром Сатторов, тарих фани ўқитувчиси Ҳислат Ғозиева бош бўлдилар. Беллашувга мактабнинг барча ўқувчилари қизиқиб қатнашди. 8-«А», 8-«Б» ва 8-«В» синф ўқувчилари баҳслашган бу тадбирда 8-«В» синф ўқувчилари ғолиб деб топилди. Ғолиб синф ўқувчиларига мактаб маъмурияти келгуси ўқишларида омадлар тилаб, фахрий ёрликлар топширди.

Шарофат ЮСУПОВА,
мактаб ўқувчиси

Ақмал Икромов туманига қарашли 229-ўрта мактабда туман халқ таълими бўлими ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Чет тилларини ноанаъанавий шаклларда — тренинг усулида ўқитиш» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди.

Ушбу семинарни ўтказишдан асосий мақсад мактабларда ёш

мактабларда чет тилларни ўқитишнинг ҳозирги аҳволи — ютуқ ва камчиликлари ҳусусида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, 312- ва 116-мактабларнинг чет тили фани ўқитувчилари Шоҳида Фиёсова, Ҳамидулла Маҳмудов ҳам семинарда сўзга чиқиб, ўқувчиларга чет

тил

ФИКР АЛМАШИДИ

Ўқитувчилар, мутахассисларни чет тилларни ўқитиш ва ўргатишнинг янги технологиялари билан таништиришдан иборатдир.

Семинарда ТШХТББ бош услубчиси Раиса Третьяченко, Ақмал Икромов тумани ХТБ услубчилари Бахтиёр Пиримқулов, Холида Аҳмедова ҳамда шаҳар мактабларининг инглиз, француз, немис тиллари ёш ўқитувчилари иштирок этдилар. Унда сўзга чиққанлар

ларни ўқитишнинг турли усулларидан, яъни фақат дарс билан чекланмасдан, очиқ дарслар ҳамда дарс давомида ўқувчилар ўртасида мусобақалар ўтказиб туриш тақлифи билан чиқдилар.

Йиғилиш сўнгида семинар иштирокчилари мактабларда ўқитиш учун тавсия этилаётган янги педагогик технологияларнинг афзалликлари ҳақида фикр алмашдилар.

Равшан ДЕҲҚОНОВ

Sinab ko'ring

Унга кўпроқ савол бериш мумкин. Лекин мавзу юзасидан унинг билимини синаб кўриш учун савол беришдан олдин аудиториядаги ўқувчиларнинг ёшини, руҳиятини эътиборга олиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Тошкент юридик коллежида «Конституциявий ҳуқуқ» фанини ўқитиш орқали амалга оширилади. Ушбу фан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

Маълумки, бизнинг олий мақсадимиз — ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини қарор топтиришдан иборатдир. Шундай жамиятни барпо этишнинг биринчи шартси эса, Конституция ва Қонун устуворлигига эришиш ҳисобланади. Бу бутун жамият аъзолари ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий онг ва саводхонликни оширишдек масъулиятли вазифани бажаришга бориб тақалади. Бу вазифа, энг аввало, Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш орқали амалга оширилади.

белгиланган дарслар, ўз навбатида, назарий ва амалий қисмларга ажратилгани ҳолда, яхши ва замонавий дарс бериш усулларидан ҳамда ички имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширилса, яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи дарсда қандай методик усулни қўллагани, у аввало ўқувчига тегишли мавзуга оид ҳар бир моддани чуқур таҳлил қилиб, жонли мисоллар асосида унинг мазмун-моҳиятини очиқ бериши лозим.

Конституциянинг моҳиятини чуқурроқ англаб етиши

САЙЁР ДАРСЛАРДА ҚОМУСИМИЗ ТАРҒИБОТИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши Конституциямизни чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда. Бу Фармойишга кўра, таълимнинг барча турларида Конституцияни ўрганиш учун зарур дастурлар, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди.

Юртбошимиз биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида таъкидлаганидек, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор. Токи, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин».

Бу мақсадларга эришиш учун эса, таълимнинг ўрта бўғини бўлмиш академик лицей ва касб-хунара коллежларида, барча таълим муассасаларида Конституцияни ўрганишни тўғри йўлга қўйиш лозимдир. Дастурда

учун ўқувчиларни «сайёр дарслар»га жалб қилиш, жумладан, дарс мавзусига қараб, давлат ҳокимияти органларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Суд, Прокуратура кабиларга) олиб бориб, у ерларда қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш мумкин. Синф хонасидан кўра, ўқувчи онгига ўша жойларда илм кўпроқ сингади, чунки болалар ўз кўзлари билан кўриб, қулоғи билан эшитса, кўпроқ хотиралида қолади.

Ўқитувчи ўз меҳнати самарасини кўриш мақсадида ўқувчига янги мавзуга оид моддаларнинг моҳияти, маъноси ҳақида ўз фикр ва тасаввурларини ёзиб келишни олдиндан уйга вазифа-топшириқ тарзида бериб юбориши мумкин. Ўқувчи ўқитувчининг кўрсатмасига биноан унинг ёрдамисиз муаммони олдиндан ҳал қилишга интилади. Адабиётлардан мустақил фойдаланишни ўрганади.

Дарсда ўқитувчи ҳар бир мавзуни ўтаётганда ўқувчининг эркин фикрлашига эришиши, кўпроқ уларнинг фаоллиги ошишига кўмаклашиши лозим бўлади.

Урта махсус, касб-хунара таълими Маркази томонидан тасдиқланган ўқув режа ва унга мувофиқ тузилган дастур асосида ўқитилади. Бу борада ўқитувчилар ҳам ўз устида тинимсиз ишлаб, доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида ва жойларда касб маҳоратлари бўйича малакаларини мунтазам ошириб келмоқдалар. Коллеж жамоаси орасида «Конституциявий ҳуқуқ» кафедрасининг ўзига хос ўрни бор. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллик байрамини кенг нишонлаяпмиз. Бу санани муносиб кутиб олиш эса, таълим муассасасининг ҳуқуқшунос ўқитувчиларидан уларнинг олдинги сафда бўлишларини, Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини биринчилардан бўлиб оммага етказишларини, бу борада алоҳида жонбозлик кўрсатишларини талаб этади. Зеро, Конституцияни ўрганиш ҳар бир фуқаронинг масъулиятли бурчи.

Гулбахор МАКСУДОВА,
Тошкент юридик коллежи
«Конституциявий ҳуқуқ»
кафедраси мудири,
олий тоифали ўқитувчи

МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚИТУВЧИ (МЕТОДИСТ)ЛАР УЧУН СЎРОВНОМА

Хурматли ҳамкасабалар, ота-оналар ва ўқувчилар!

Хабарингиз бор: газетамизнинг ўтган сонидида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ўзбек, тожик, қозоқ, туркман ҳамда кирғиз тилларида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2005—2006 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари рўйхати эълон қилинди.

Фарзандларимизнинг билим олишида, баркамол ва ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишида дарсликнинг роли бекиёсдир. Сизга дарслик билан ишлаш жараёнида аниқлаган камчиликларни ва уларни бартараф қилиш юзасидан таклифларингизни ҳамда такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазаларингизни ўрганиш юзасидан куйидаги сўровномани тақдим этмоқдамиз. Сизнинг

фикр-мулоҳазаларингиз дарсликларни қайта нашр этилиши жараёнида инобатга олинади.

Дарсликларнинг мазмуни ва сифатини янада яхшилашга ўз ҳиссангизни қўшасиз, деган умиддамиз.

Фикр-мулоҳазаларингизни 2005 йил 1-январга қадар Халқ таълими вазирлигига юборинг.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уй, Республика ўқувчилар саройи.

МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚИТУВЧИ (МЕТОДИСТ)ЛАР УЧУН СЎРОВНОМА

_____ вилоят _____ туман _____ - сонли мактабда 2004—2005 ўқув йилида қўлланилиб келинаётган _____ синф учун _____ фани дарслиги
(_____ муаллифи _____ нашриёти, _____ йил) бўйича фикр-мулоҳазалар

№	Мавзулар	БАЛЛ	ИЗОХ
I. Дарсликнинг мазмунига қўйилган талаблар			
1	Давлат таълим стандартларига мувофиқлиги		
2	Дарсликнинг дастурга мувофиқлиги		
3	Дарсликдаги мавзуларнинг ўқув режадаги дарс соатига мувофиқлиги		
4	Дарсликнинг ўқувчилар ёшига мувофиқлиги		
5	Миллий истиқлол ғоялари, қадриятлар сингдирилганлиги		
6	Мавзуларни ёритишда материалларнинг илмий жиҳатдан тўғри белгиланганлиги		
7	Янги педагогик технология (ЯПТ) асосида таълимни ташкил этишда дарслик ва методик қўлланманинг қулайликлари		
8	Дарсликдаги боблар (мавзулар, бўлимлар, ўқув қисмлар) кетма-кетлиги ва узвийлигининг таъминланганлиги		
9	Дарсликнинг боблари (бўлимлар, мавзулар, дарслар) синфдаги ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг билим даражасига мослиги		
10	Дарслик материалларининг амалиёт, теварак-атрофдаги ҳодисалар, воқеалар билан боғлиқлиги		
11	Дарслик мавзуларини ўзлаштириш учун машқлар, топшириқлар ва амалий машғулотларнинг етарлиги		
12	Предмет мавзуларининг тақсимланишининг ўқитиш методикаси талабларига жавоб бериши		
13	Дарсликнинг синфлар ва предметларaro боғлиқлиги, ўрта махсус ўқув юртлири дастурлари билан узвийлигининг таъминланганлиги		
II. Дарсликнинг нархи ва унга қўйилган техник талаблар			
1	Иллюстрациялар сони, сифати		
2	Матн ва иллюстрацияларнинг ўзаро уйғунлиги		
3	Шрифт ва қаторлар орасидаги масофа		
4	Тил услуби		
5	Матнда ёки материалларни баён этишда орфографик, грамматик хатоларнинг мавжудлиги		
6	Дарслик нархи		
7	Дарслик билан таъминланганлиги		
8	Полиграфик сифати		
9	Ўлчам (формат)		
	Жами		

Эслатма: Сўровномани тўлдириш бўйича кўрсатма куйида берилган.

Мутахассиснинг фамилияси, исми, иш жойи ва вазифаси

Хурматли ҳамкасаба, дарсликнинг мазмуни ва сифатини янада яхшилашга ўз ҳиссангизни қўшасиз, деган умиддамиз. Дарсликни баҳолаш мезонларини диққат билан ўқиб чиқинг. Саволларга қолдирмасдан, тартиб билан тўғри ва самимий жавоб беринг. Агарда дарсликни баҳолаш кўрсаткичи талабга тўлиқ жавоб берса, сизни қониқтирса «3» балл, талабга қисман жавоб берса «2» балл, умуман талабга жавоб бермаса «0» балл билан баҳоланг. Дарслик билан ишлаш жараёнида ўзингиз аниқлаган камчиликларни ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларингизни ҳамда такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазаларингизни изоҳига ёзиб беришингизни сўраймиз.

Ҳамкорлигингиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Баҳолаш мезонларининг тартиб рақами	Мезонларнинг баллар бўйича тақсими		
	«3»	«2»	«0»
1.1	жавоб беради	қисман жавоб беради	жавоб бермайди
1.2	мувофиқ	қисман мос келади	мос келмайди
1.3	мувофиқ	қисман мос келади	мос келмайди
1.4	мувофиқ	қисман мос келади	мос келмайди
1.5	сингдирилган	қисман сингдирилган	сингдирилмаган
1.6	тўғри берилган	қисман тўғри берилган	нотўғри берилган
1.7	қулай	қисман	ноқулай
1.8	узвийлиги таъминланган	қисман таъминланган	таъминланмаган
1.9	мос	қисман инобатга олинган	инобатга олинмаган
1.10	боғланган	қисман	боғланмаган
1.11	етарли	қисман	кам
1.12	жавоб беради	қисман	жавоб бермайди
1.13	боғлиқ, таъминланган	қисман	боғланмаган, таъминланмаган
2.1	талабга жавоб беради	қисман	талабга жавоб бермайди
2.2	мос тушган	қисман	мос тушмаган
2.3	қониқтиради	қисман қониқтиради	қониқтирмайди
2.4	тушунarli	қисман	тушунарсиз, оғир
2.5	йўқ	қисман учрайди	жуда кўп
2.6	қониқтиради	бироз қиммат	қиммат
2.7	тўлиқ таъминланган	қисман таъминланган	етишмайди, кам
2.8	талабга жавоб беради	бироз қониқтиради	қониқтирмайди, сифати паст
2.9	қулай	бироз ноқулай	ноқулай

МАКТАБ О'QUVCHISI UCHUN SO'ROVNOMA

_____ viloyat _____ tumani _____ sonli maktab
(darsligi) _____ (muallifi)
_____ (nashriyot va nashr yili)

T/r	Savollar	Baholash mezonlari	
1.	Darslingiz bormi?	Bor	Yo'q
2.	Darslikni qaerdan olgansiz?	Maktab kutubxonasidan	Sotuvdan
3.	Darslingiz bo'lmasa, kimnikidan foydalanasiz?	O'rtog'imnikidan	Foydalanmayman
4.	Berilgan mavzular tushunarlimi?	Tushunarli	Murakkab
5.	Topshiriqlar tushunarli va qiziqarli?	Tushunarli va qiziqarli	Tushunarsiz va zerikarli
6.	Berilgan topshiriqlarni bajarishga ulgurasmizmi?	Ha	Har doim ham emas
7.	Harflarning katta kichikligi (shrifti) sizga ma'qulmi?	Ma'qul	Ma'qul emas (mayda, xira)
8.	Muqova va undagi rasmlar sizga yoqadimi?	Ha	Yo'q
9.	Darslik sifati (chidamlimi)?	Ha	Yo'q
10.	Darslik rasmlari qiziqarli?	Qiziqarli	Yo'q
11.	Darslingizning hajmi (katta-kichikligi) sizga ma'qulmi?	Ma'qul	Ma'qul emas (juda katta)
12.	Darslikning narxi sizni qoniqtiradimi?	Ha	Yo'q (juda qimmat)

Sizning fikringizcha darslikka qanday o'zgartirishlar kiritish zarur:

sinf o'quvchisi _____ familiya, ismi

SAVOLNOMANI TO'LDIRISH YUZASIDAN KO'RSATMA

Hurmatli o'quvchi, biz sizning darslik haqidagi fikringizni bilmoqchi edik. Diqqat bilan savollarni o'qib chiqing. Berilgan baholash mezonlarining qaysi biri sizning javobingizga mos tushsa, shuning tagiga chizing. So'rovnomaga qo'shimcha fikrlaringiz va takliflaringizni yozib bering.

Javoblaringiz uchun minnatdorchiligimizni bildiramyz.

ОТА-ОНАЛАР УЧУН МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ ЮЗАСИДАН СЎРОВНОМА

_____ viloyat _____ tumani _____ sonli maktab _____ sinf uchun _____ darsligi -
(_____ muallifi) _____ (nashriyot va nashr yili)

T.p	Savollar	Javoblar			Izoх
1.	Фарзандингиз дарсликлар билан тўлиқ таъминланганми?	Ҳа	Қисман	Йўқ	
2.	Уй вазифаларини бажариш жараёнида қийинчиликлар мавжудми?	Ҳа	Қисман	Йўқ	
3.	Фарзандларингиз уй вазифасини мустақил бажарадими ёки сизнинг ёрдамингизга муҳтожми?	Ҳа	Қисман	Йўқ	
4.	Фарзандларингизнинг дарслик билан ишлаш жараёнида зўриқиш ҳолатини (асабийлашиш, зерикаш, истамаслик ва ҳ.к.) кузатганмисиз?	Ҳа	Қисман	Йўқ	
5.	Дарсликдаги материаллар фарзандингиз билимини оширишга хизмат қиладими ёки қўшимча адабиётларга зарурат борми?	Ҳа	Қисман	Йўқ	

- Дарсликнинг безатилиши, суратлари Сизни қониқтирадими? Ҳа Қисман Йўқ
- Дарсликнинг сифати ва ҳажми ҳақидаги фикрингиз. Яхши Ўртача Ёмон
- Дарсликнинг нархи Сизни қониқтирадими? Ҳа Қисман Йўқ
- Фарзандингиз қайси фанга қизиқади ва сабаби?
- Мактаб дарсликлари (фанлар бўйича) қандай бўлишини хоҳлар эдингиз?
- Сизнинг фикрингизча, дарсликларга қандай ўзгатиришлар киритиш зарур

Ота-онанинг фамилияси, исми _____
Хурматли ота-оналар, биз Сизнинг дарсликлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик. Саволларни диққат билан ўқиб чиқиб, муносабатингизни билдирсангиз. 1—8-саволларда берилган жавобларнинг қайси бири сизнинг жавобингизга мос тушса, шунинг тагига чизинг. Мос бўлган жойларига ёзма изоҳ беринг. 9,10,11-саволларга эса ёзма таклиф, мулоҳазалар киритинг. Жавобларингиз учун миннатдорчилик билдирамыз.

Fikr, mulohaza, taklif

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг янги ижтимоий фанлар тизими шакллана бошлади. Ҳозирги кунда бу фанлар орасида фалсафанинг ўрни ва мавқеини аниқлашга ҳаракатлар бўлмоқда.

Энг аввало, шунинг таъкидлаш лозимки, баъзи кишилар XXI аср фалсафаси фанларнинг фани бўлишини даъво қилишдан воз кечган, шу маънода у, мутлақ ҳақиқат, умумий методология сифатида хусусий фанларни бошқара олмайди, деб ҳисоблайдилар.

Маълумки, соҳавий фанлар жамиятнинг техника, иқтисод, тиббиёт каби алоҳида, аниқ (конкрет) эҳтиёжларига хизмат қилади. Улар борлиқнинг фақат ўзига тегишли қисмини, реалликнинг фақат ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, оламнинг алоҳида бўлақларини тадқиқ этиш билан чегараланади. Фалсафани эса, дунёнинг умумий масалалари қизиқтиради. У хусусийлик билан чеклана олмайди, оламни бир бутунликда англашга интилади. Фалсафа оламнинг бирлиги ҳақида фикр юритади, "Дунё бор бўлса, унинг ўзи нима?", "Инсон умри нимага хизмат қилади?", "Оламни билиш мумкинми?" каби умумий саволларга жавоб излайди. Бу маънода фалсафага фан сифатида олам ва одамнинг умумий моҳияти, инсон тафаккури тамоиллари ҳақидаги фан деб таъриф берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўплаб соҳавий фанлар, айниқса, техник соҳаларга тегишли илмлар на инсон ва на инсониятга тааллуқли бўлмаган объектив ҳодиса ва жараёнларга ўз эътиборини қаратади. Уларни инсоннинг ижтимоий-маданий фаолияти, меҳроқибат, маънавий масалалари қизиқтирмайди.

Соҳавий фан вакиллари гоҳида инсониятга ҳеч қандай фойда келтирмайдиган баъзи тасаввурларни ҳам илмий асос сифатида қабул қиладилар. Бу эса, баъзан қиргин қуролларини яратишга, баъзида табииятни вайрон қилишга олиб келади. Бунда кўп ҳолларда ана шу соҳавий фан қандай пайдо бўлгани ва қандай мавжуд бўла олгани, унинг моҳияти нимадан иборатлиги, бошқа фанлардан қандай жиҳатлари билан фарқланиши қизиқтирмайди. Агарда шундай муаммоларга дуч келгудай бўлса, унда олим фалсафий масалаларга мурожаат қилади. Фалсафа эса, энг аввало, барча би-

лимларнинг асосини, дунёқарашга оид тушунча ва тамоилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Унда тушуниш мезони бўладиган, бошқа соҳаларни баҳолай оладиган назарий асосларни топишга эътибор қаратилади.

Фалсафа назарий ва амалий муносабатлар бирлигига асосланади, ижтимоий борлиққа янги идеаллар ва маданий қадриятларнинг шаклланиши орқали фаол таъсир кўрсатади. Унинг тарихан таркиб топган йўналишларига онтология, гносеология, мантик, диалектика, этика, эстетика, шунингдек, фалсафий антропология, аксиология, фалсафа тарихи, дин фалсафаси, фан фалсафаси, методология каби илм соҳалари киради. Фалсафа тараққиётнинг асосий мезонларини

ражали бўлиб, муайян муаммоларни ечиш учун аниқ билиш асосий мақсадга айланади. Фалсафада эса назарий билиш билан бир қаторда инсон омили, маънавият ва қадрият масалалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, фалсафада миллийлик ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Масалан, юнон фалсафаси, немис фалсафаси, инглиз фалсафаси, француз фалсафаси ва ниҳоят ўзбек фалсафаси каби иборалар мавжуд. Бироқ, на юнон, на рус, на немис ва на француз миллий химияси, физикаси, математикаси йўқ. Бу фанлар азалдан умуминсоний бўлгани сингари, фалсафа аввало, миллий, сўнгра эса, умумбашарийдир. Физика, химия ва математикага оид формулаларнинг миллиати йўқ, улар

олий математика, эҳтимоллар назарияси, физика, биология, физиология каби қатор соҳавий фанлар ҳам ўқитилади. Бакалавриятнинг 3-4-курсидида "Табиатшунослик ва техника фанларининг фалсафий таҳлил қилини", магистратуранинг биринчи курсидида эса, "Фанларнинг умумфалсафий масалалари" курси ўқитилиб, улар орқали соҳавий фанларнинг муаммолари фалсафий таҳлил қилинади. Шу маънода ҳозирги кунда фалсафа фанини ҳар бир ихтисосликка мослаб ўқитмоқ даркор, деган фикр фавқуллодда бир янгилик эмас, балки бу фалсафа факультетидида мунтазам риоя қилиниб келаётган

дилар. Биз уларни асло айб-ламоқчи эмасмиз. Аммо, аксарият ҳолларда улар ўз мавзулари доирасидаги фалсафа билан чегараланиб қоладилар, бу фаннинг чуқур назарий масалалари улар учун "бегоналикчи" қолаверади.

Афсуски, бугунги кунда аксарият олий ўқув юртларидаги фалсафа кафедраларида баъзи ўқитувчилар ихтисослиги бу мутахассисликка мос келмайди. Мутахассислиги педагог, тарихчи, иқтисодчи, ва ҳоказо бўлган киши бир ёки икки ой малака оширгани билан қандай қилиб мураккаб ва айни пайтда ўзига хос фалсафа фанидан самарали дарс бера олади? Нима учун фалсафа мутахассиси тарихчи ёки иқтисодчи, математика, физика ёки химия фанидан дарс бермайди-ю, тескариси бўлса, ҳеч ким ажабланмайди. Фалсафа шу қадар осон фанми? Балки бу соҳада ҳақиқий мутахассислар етишмаётгандир? Балки фалсафа бўйича магистратура йўналишига талабалар қабул қилиш сонини кўпайтириш даври етгандир? Худди шундай, рус тили, ўзбек тили, педагогика ўқитувчиси ва ҳаттоки, сахна актёри фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиши мумкин. Бундай мисоллар бор. Инкор қилмаймиз, икки йилдан буён Ўзбекистон Миллий университетидида фалсафа факультетининг "Фалсафа ва фан методологияси кафедрасида" фалсафа бўйича ихтисослиги бўлмаган, аммо номзодлик диссертациясини ёқлашга интилаётган изланувчилар учун "фалсафанинг умумназарий масалалари" бўйича номзодлик имтиҳонини топшириш жорий қилинган. Лекин, кечаги филолог ёки сахна актёри битта имтиҳон топширгани билан аҳвол ўзгарармикин? У этика, эстетика, маданият назарияси каби "осонроқ" ихтисосликлар бўйича номзодлик диссертациясини химоя қилгач, фалсафанинг мураккаб соҳалари — онтология, гносеология, методология, фалсафий антропологиядан дарс бера олармикин?

Бу тахлит саволлар фалсафанинг, аввало соҳавий фан эмаслигини, қолаверса, унинг баъзилар ўйлаганчалик осон эмаслигини тушуниш вақти етганини ашгармайди.

НИГИНА ШЕРМУХАММЕДОВА,
фалсафа фанлари доктори

ФАЛСАФА ОСОН ФАНМИ?

дунё ва унда инсоннинг ўрни, ҳозирги замон цивилизациясининг тақдири, маданиятлар бирлиги ва турличалиги, инсон билишининг табиати каби азалий муаммолар билан боғлиқ ҳолда талқин қилади.

Соҳавий фанлар аниқ далилларга, тажрибавий текширувларга асосланади. Фалсафа эса, баъзида кундалик турмушдан узоқлашиб, ақл, идрок ва тасаввур доирасида чегараланади. Ҳақиқат, яхшилик, адолат, гўзаллик нима, каби саволлар шу асосда пайдо бўлади. Одамни фалсафий тушуниш эса, бу ҳодисаларни энг умумий нуқтаи назардан англашга қаратилган. Соҳавий фанлар ижтимоий онгнинг бошқа шакллари тажрибаларини ҳисобга олмай ҳам ривожланиши мумкин. Масалан, физика санъат тарихини, химия динни, математика ахлоқ нормаларини, биология ҳуқуқшунослик талабларини ўрганмаса ҳам ривожлана олади. Фалсафа эса, ижтимоий онгнинг барча шакллари: фан, санъат, дин, ҳуқуқ ва шу кабиларни акс эттиради ҳамда улар билан биргаликда ривожланади.

Тиббий-аниқ фанлар учун кўп ҳолларда инсон омили қадрият сифатида иккинчи да-

унон муайян халқ, ҳудуд, инсон ва кадр-қимматнинг фарқи йўқ. Фалсафада эса, ҳар бир тушунча ва тамоилнинг миллий талқини бор, макон, замон, билиш, мантик, халқ ҳаёти ва тақдири каби масалалар ҳам доимо аниқ мазмун, моҳият касб этади. Шу маънода атоқли олим И.Гегелнинг "Файласуфлар осмондан ёмғирдек ёғилмайдилар" ёки ёмғирдан кейинги кўзқориндек ердан униб чиқмайдилар, уларни халқ яратади", - деган сўзлари айнан фалсафанинг миллийлигини ифодалайди.

Айни пайтда, таъкидлаш керакки, фалсафа ва соҳавий фанларнинг биргаликдаги ривожланишини ҳеч ким инкор қилмайди. Улар ягона "занжир"нинг алоҳида-алоҳида бўғинлари сифатида оламни натурфалсафа, космология, онтология каби турли соҳаларда ўрганишга асосланган билимларни ўзида акс эттиради.

Ана шу сабабларга кўра, яхши файласуф бўлиш учун шу соҳа билан бирга, бошқа фанларни ҳам чуқур ўрганиш зарур. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетидида талабаларга биринчи курсданок,

жараён бўлиб, аслида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Энди "соф файласуф" ва "фалсафа соҳасига бошқа фанлардан ўтган" деган фикрларга келсак. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда фалсафа бўйича ихтисослиги бўлмаётган, шу мутахассислик бўйича диссертациялар ёқлаш ҳоллари кўпаймоқда. Бу борада бизда яхши тажриба бор. Масалан, мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос бўлмаган киши ҳуқуқшуносликдан номзодлик ёки докторлик диссертациясини ёзиши мумкин эмас. Лекин, негадир мутахассислиги файласуф бўлмаганлар учун бунга имкон берилган. Биз уларнинг барчасини фалсафа соҳасида ёмон мутахассис демоқчи эмасмиз. Билими пастрлар бу ихтисослик дипломига эга бўлганлар орасида ҳам бор. Аммо, муайян ихтисослик бўйича 4-5 йил таълим олган киши ўша мутахассисликни эгаллайди, яъни математика ёки химия, тарих ёки филология бўйича "тиши чиқади". Бундай кишиларнинг баъзилари ҳавас билан фалсафа соҳасига ўтадилар, аввал номзодлик, кейинчалик эса, докторлик диссертациясини ёзиб, илмий даража ҳам ола-

Бугун биз китоб, китобхонлик ҳақида тинимсиз гапираяпмиз, ёзаяпмиз. Бу мавзу атрофидаги чексиз баҳс-мунозараларда ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган муносабатини жиддий танқид қилаяпмиз, уларни китоб ўқимасликда айблаяпмиз.

Ҳар бир ҳолатга баҳо бермоқликдан аввал унинг сабабини билиш муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, китоб ўқимаётган бугунги ёшларни айбладан олдин ўзимизга савол бериб кўрайлик: биз катталар-чи, ўзимиз ўқияпмизми? Қилган ишларимиздан андоза оладиган ёшларимизга ўрнак бўлаяпмизми?

Очиқ тан олайлик, катталарнинг ўзи ҳам бугун ўқимай қўйишган. Агар сабабини сўрасангиз, турмуш ташвишларию арзимас икир-чикирларни баҳона қилишади. Оилавий китобхонлар камроқ учрайди.

Эсимда, ёшлигимизда телевизор қаршисида ўтирган чоғимизда кўрсатувларда бирор китоб, тарихий сана ёки таниқли шахслар хусусида сўз

ЁШЛАР КИТОБ ЎҚИМАЁТГАН ЭКАН, КАТТАЛАР-ЧИ?

кетса, отам ана шу эшитаётганларингиз ҳақида нимадир биласизларми, тушунапсизларми ёки фақат сура тига қараб ўтирасизларми, деб сўрайдилар. Жавоб беролмай қолишдан уялиб ҳам кўпроқ китоб ўқирдик. Биз учун китоб гўёки барча сиру синоатлар хазинаси эди.

Бир танишимни бундан анча йил олдин учратиб, суҳбатлашиб қолганимда: "Бизнинг ташкилотда ишлашнинг ажойиб шартлари бор-да. Ишга қабул қилишаётганда суҳбатдан ўтказишади ва охириги ўқиган ўнта китобини санашни ҳамда бирортаси ҳақида озроқ гапириб беришни сўрашади. Айтолсангиз, яхши, айтолма-

сангиз, қайтарворишади", деганида ўша корхонанинг раҳбари маънавиятли, маърифатли инсон экан, дея ҳавас қилгандим. Назаримда, ушбу усул барча корхона ва ташкилотларда қўлланса, ҳамма китобнинг нодир хислатларини англаб етган бўларди.

Файласуфлардан бири "Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлардан ҳам тўхтайдилар", деган экан. Бу доно нақл ёшларга ҳам, катталарга ҳам бирдек тааллуқлидир. Зеро, фикрлар, гоғлар тўғилмаса, янгиланиш, тараққиёт, ривожланиши ҳам бўлмайди. Юксалиш чўққиларини эса, фақат ўқиш билан забт этиш мумкин.

Модомики, китобнинг шунча афзал-

ликлари бор экан, уни ҳар биримиз қизиқиб ўқийлик. Теран мушоҳада юритишга ундайдиган китобни бировларнинг тазйиқи билан эмас, кўнгил истаги билан мутолаа қилайлик.

Зеро, қадимги араб донишмандларидан бирининг китоб ҳақида, унинг фазилатлари ҳақида айтган фикрлари айни ҳақиқатдир: "Гаплари малол келмайдиган ва боримизда ҳам, йўғимизда ҳам ишончли, садоқатли суҳбатдошларингиз бор. Ўтган замон воқеаларидан билганларини бизга етказадилар. Маслаҳат, одоб ва мустаҳкам ирода ифода этадилар. Уларда кўрқинчли касаллик, хавфли ҳолат йўқ, бармоқлари билан ҳам, муштумлари билан ҳам бизни кўрқитмайдилар, уларни "тирик" десам, ёлғончи бўлмайман, "жонсиз" десам, ақлсиз ҳисобланаман. Жаҳонда улардан самимий, яхшироқ дўст-йўқ. Киши ёлғиз қолса, улар зериктирмайди, уларда ором бору озор йўқ".

Ҳидоят ЖҰРАЕВА

Фарзанд тарбияси ота-она зиммасидаги масъулиятли ва энг асосий вазифа. Рост-да, фарзандга ёшлигидан тўғри тарбия бериб, келажакда унинг камоллини кўриб яшашга нима етсин. Кўпчилик ота-оналар бу масалани мактабгача таълим муассасаларининг ёрдамига ҳам таянишади. Нега деганда, бола боғчада тўғри тарбия олиб, бошқалар билан муомала қилишни ўрганади. Кичиктойнинг нуқти тез, яхши ривожланади

ҳолда мактабга бергилар. Чунки ўша пайтда мактабимизда олти

ёшли болалар синфи ҳам очилиб, тушликкача дарс ўтилар ва сўнгра ўқувчиларга уйга кетиш учун рухсат бериларди. Боғчамиз мактабимиз ёнгинасида жойлашган бўлиб, боғчадаги тенгдошларимиздан икки-уч киши мактабга чиққанмиз, холос. Синфдошларимизнинг аксарияти уйдан келган болалар. Онам менга дарсдан сўнг боғ-

Мактабгача та'лим

томонга йўналтириши лозим. Бу хусусда Ё.Саитовнинг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» китобида: «Бола шундай бир қушга ўхшайдики, унинг бир қаноти ота-онаси, иккинчиси эса, устози ва жамоатчиликдир. Бу қанотлар бир-бирига мос ҳаракатлари билан болани ҳаётга йўллайди. Агар боланинг қанотлари қарама-қарши томонга

БОҒЧА ОПАНИНГ ЭМОҶИ БЎЛАДИМИ?

ҳамда унда илк меҳнат кўникмалари шаклланади. Қолаверса, ўз вақтида овқатланиб, дам олади. Шунинг учун ҳам боғчани «боланинг иккинчи уйи» дейиш мумкин.

Боланинг боғчага мослашиши ва кўнгилдагидек таълим-тарбия олиши эса, боғча опаларга, яъни гуруҳ тарбиячиси ва энгаларга боғлиқдир. Боғча опалар орасида болаларни ўз фарзандларидек кўрадиган, уларга оғиздан бол томиб муомала қиладиганлари талайгина (аслида уларга шундай талаб қўйилади). Бола бундайларга тез ўрганади, у ҳақда ота-онасига илқ фикрларни етказиши мумкин. Ўтган машғулотли ёки ўргатган ҳар бир нарсасини тез ўзлаштиради. Унинг хатти-ҳаракатлари, гапирётган гапларидан андоза олади. Рухий жиҳатдан яқинлашиб, тобора унга талпинади. Бу ўша боғча опанинг, қолаверса муассасанинг ютуғи, обрўси. Фикримнинг исботи сифатида ўзимда кечган бир ҳолатни баён қиламан.

Ёшим олтига етганда онам мени боғчадан ажратмаган

чага қайтишни тайинлардилар. Шундай кунларнинг бирида кетма-кет уч-тўрт кун дарсларга қатнашмай боғчага кириб кетадиган бўлдим. Бойси, ўша кунларда боғча опамиз ўтаётган машғулотлар менга мактабдаги дарслардан кўра қизиқарлироқ бўлиб туюлган эди-да.

Гоҳида ота-онасига «боғчага бормайман» дея хархаша қилаётган ёки эрталаб боғчага ташлагани борганда яна ота-онасига эргашиб йўллайдиган болажонларга гуч келамиз. Бунга боланинг боғчада уйдаги каби муомала, эътибор кўрмаётганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Тўғри, ҳамма оиладаги шароит, тарбия бир хил эмас. Қайсидир ота-она фарзандларини тўғри тарбияласа, яна кимдир эркатой, боланинг айтгани-айтган, ёшига яраша бирор ишни ҳам қандайдир манфаатдорликдан сўнг бажарадиган қилиб тарбиялайди. Боғча опа эса, ҳар бир ота-она билан суҳбатлашиб, боланинг феъл-атворини, қизиқишларини, оилавий муҳитини ўрганиб олиши ва ота-она билан бирга тарбияни ижобий

ҳаракат қилса, бола кулаб тушади», деган фикрлар ҳам келтирилган.

Кези келганда бугун тобора авж олиб бораётган (ҳамма боғчаларда эмас, албатта) яна бир ачинарли ҳолатни айтиб ўтиш ўринли. Боғча опанинг туғилган кунига болаларнинг ота-оналари турли совға-саломлар қилишяпти. Балки, бу ота-оналарнинг унга нисбатан ҳурматлари, миннатдорчиликлари ифодасидир. Лекин, боғча опа совғанинг катта-кичиклиги, баҳосига қараб, уни келтирган ота-онанинг фарзандига «қуюқ» ёки «совуқ» муносабатда бўлади. Шунга қараб болани ўртоқларининг орасида ардоқлайди ё таҳқирлайди. Бу эса, камситилган болани боғчадан бездирмай қўймайди.

Халқимизда «бола — подшо» деган гап бор. Бир томондан боланинг қалби пок, беғубор эканлигига ҳам ишора бу. Боғча опаларимиз эса, ўзларининг ширин сўзлари, бераётган меҳрлари билан ана шу мусаффо қалбларда бир умрга муҳрланиб қолишсин.

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Гап турли хил анжуман ва конференциялар ҳақида борар экан, айтиш керакки, бундай учрашувларда албатта, қайси соҳа бўлмасин, эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали мавжуд бўлган муаммоларни муҳокама қилиш ва уларнинг ечимини топиш, ўзаро тажриба алмашиш учун ҳам ўзига хос замин яратилади. Яқинда Тошкент молия институтиди бўлиб ўтган «Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари» мавзудаги халқаро илмий-амалий конференцияни ҳам ана шулар жумласига киритиш мумкин.

Ҳаётимизнинг асосий қомуси — Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур конференцияда йирик халқаро ташкилотлар ҳисобланмиш Япониянинг «JICA», Американинг «USAID» ва «Европа уйи» экспертлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ҳамда институт-

нинг профессор-ўқитувчилари қатнашдилар. Молия институтининг ректори, академик М.Шарифхўжаев бу конференцияни ўтказишнинг аҳамияти ва мақсади ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда бошқа соҳалар қато-

лари ва жаҳон тажрибаси, бухгалтер ва аудитор кадрларни тайёрлашнинг услубий модули тўғрисида фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Конференциянинг бошқа қатнашчилари ҳам бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий



Мамлакатимизда ёшларга касб-ҳунар ўргатиш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимиздаги энгил саноат касб-ҳунар коллежида ҳам тикувчилик, бухгалтерия, халқ истеъмол буюмларини моделлаштириш, бичувчилик ва компьютер саводхонлиги бўйича илмий-амалий машғулотлар олиб борилади. Ўтган ўқув йилида 136 нафар битирувчининг 131 нафари иш билан таъминланган. Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ
олган суратлар.

Anjuman

қишларида мавжуд муаммоларга атрофлича тўхталиб ўтишди.

Конференция иштирокчилари томонидан тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда унинг якунлари бўйича институт Илмий Кенгагининг қарори ҳам қабул қилинди.

Қисқасини айтганда, халқаро илмий-амалий конференция ўзига хос баҳс-мунозарага бой бўлди. Унинг иштирокчилари томонидан баъзи масалалар юзасидан тортишувлар ҳам кузатилди. Албатта, бу ҳолни ижобий баҳолаш керак. Чунки бу каби турли хил фикрлардан, баҳс-мунозаралардан сўнг, ҳар қандай соҳанинг ҳам келгусида равнақ топишига замин яратилади. Аслида асосий мақсад ҳам шу.

Х. БОҚИЕВА,
М. МУҲАМЕДОВА,
Тошкент молия институтининг
ўқитувчилари

ИЛМ АМАЛИЁТИ БИЛАН ҚАДРЛИ

ри кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилмоқда. Конференцияда иштирок этган хорижий ташкилот вакиллари ҳам буни эътироф этишар экан, бу борада юртимизда амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолашди. Шу билан бирга, ўз маърузаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг таълим стандар-

таҳлил ҳамда аудитнинг бошқарувни ахборот билан таъминлашдаги роли, аҳамияти, ҳозирги ҳолатини ривожлантириш йўналишларини таҳлил қилиб, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини, назарий ҳамда амалий асосларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини қайд этишди. Хусусан, ушбу маса-

лардан бири эканлигини айтиб ўтиб, миллий ҳисоботлар тизими ва бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоблари режасини мувофиқлаштириш юзасидан фикрларини билдирди. Профессорлар А.Каримов, А.Сотиволдиев, Б.Ҳасанов, Ф.Каримов, доцент И.Кўзиев, катта ўқитувчилар И. Хусайинов, Н.Ризаев ва бошқа маърузачилар ҳам ўз чи-

Хар томонлама ривожланган, етук, билимдон, жаҳон андозалари билан бўйлаша оладиган малакали кадрларни етказиб бериш мақсади таълимдаги бугунги ислохотларнинг асосини ташкил қилади. Шу боис ҳозирда кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлашни янада такомиллаштиришга катта эътибор берилляпти. Бу эса, ўз навбатида дунё таълим тизими тажрибаларини ўрганиш, уларнинг йўналишлари мазмунини тушуниш, илгор тажрибаларни мамлакат таълим тизимига жорий қилиш билан ҳам белгиланади.

2003 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан ташкил қилинган «Истеъдод» жамғармаси ҳам айнан иқтидорли, ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини

ишлар бажарилляпти. Қолаверса, дунё таълим тараққиёти, унда бўлаётган ўзгаришлар, ривожланган инновацион технологияларнинг такомиллашуви, масофавий ўқитишда мультипликатив усуллар самарадорлиги бу соҳага жиддий эътибор бериш лозимлигини тақозо этади.

Шунга қарамай жойларда олиб борилган таҳлиллар бу борада ҳали кўп иш қилиш лозимлигини кўрсатади. Хусусан, олий ўқув юртлири, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган билим масканлари профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш натижалари шунини кўрсатадики, педагог кадрлар ҳали ҳам янги таълим технологияларини яхши билмайдилар, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг маз-

курсларга республика илм-фанида кўзга кўринган, катта тажрибага эга бўлган, етук мутахассислар жалб қилинган.

Мазкур малака ошириш курсларига тингловчиларни жалб қилиш қандай тартибда олиб борилади? Унда таълимнинг малака ошириш тизимидаги умумий талабларидан келиб чиқилганими ёки педагог кадрларнинг эҳтиёжлари эътиборга олинганми? Бу саволга «Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори, иқтисод фанлари доктори, профессор **Абдунаби Пардаев** шундай жавоб берди:

— Таълим соҳасидаги янгиликлар, технологиялар кун сайин ўзгариляпти, ривожланыляпти. Айниқса, бу тизимга масофавий ўқитиш, мультипликатив усул ва электрон воситаларнинг кириб келиши олий таълим соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Эндиликда илм-

Malaka oshirish

нинг талаб ва таклифлари, қизиқिशларини инobatга олган ҳолда ташкил этилди. Энг муҳими, бу ерда малака оширган тингловчилар замонавий инновацион технологиялар, масофавий ўқитиш тизими, шунингдек, Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб бораётган изчил сиёсати ҳақида муайян тасаввурларга эга бўляптилар.

«Истеъдод» жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, 2004—2005 ўқув йилида бир ярим минг педагог ва мутахассисларни шу ернинг ўзиде малака оширишга жалб қилиш, шунингдек, 400 нафар (ундан 250 нафари грант асосида) иқтидорли, ёш педагог ва мутахассисларни хорижий давлатларга малака оширишга юбориш режалаштирилган. Танловларда иштирок этган ёш олимлар, ўқитувчи ва мутахассислар АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Малайзия, Япония, Корея, Дания, Россия каби давлатларга

«ИСТЕЪДОД»

оширишга қаратилган. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ҳамда Республика «Устоз» жамғармаси негизда ташкил этилган.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида педагогик ва илмий фаолият билан шуғулланадиган, муайян ютуқларга эришган, илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар «Истеъдод» жамғармаси грантлари асосида тараққий этган давлатларда илгор таълим назарияси ва амалиётининг замонавий йўналишлари бўйича малака оширадиган, тажриба алмашадилар. Ўзаро манфаатли илмий-тадқиқот ишлари устида иш олиб борадилар. Эгаллаган билим ва кўникмаларини Ўзбекистоннинг келажагига, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига сарф қилишлари кўзда тутилади.

«Истеъдод» жамғармаси мамлакатимизнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб, ўттиздан ортиқ йўналишлар бўйича мутахассислар малакасини оширади. Жамғарма ташкил топгандан буён ACCELS, EUROPA HOUSE, OSU, JICA, DAAD, CNOUS, USAID, IREX каби таълимга йўналтирилган халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизнинг турли олий таълим муассасалари ва илмий марказларида фаолият олиб бораётган қобилиятли ёш профессор-ўқитувчилардан 402 нафари дунёнинг нufузли илм масканларида малака ошириб қайтдилар. Улар учун жамғарма томонидан ишлаб чиқилган қисқа (2 ҳафтадан 4 ҳафтагача), узоқ муддатли (3, 6, 10 ойгача) ҳамда устувор йўналишлар бўйича масофавий ўқитиш курсларида аниқ дастурлар асосида иш олиб борилади. Бу дастур дунёнинг етук Сорбонна, Гарвард, Кембриж, Васеда, МДУ каби университетларининг профессор-экспертлари жалб қилинган ҳолда жамғарма базасида амалга оширилади.

Олий таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш, уларнинг давр талабига жавоб бера оладиган билим, кўникма ва малакага эга бўлишини таъминлаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, педагогларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида кенг кўламли амалий

ИМКОНИЯТЛАРНИ

мун-моҳиятини тўла англаб етмаганлар. Бу эса мутахассислар тайёрлашда, шунингдек, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида жиддий камчиликлар борлигидан, бу тизим фаолиятини тўғри ташкил этиш лозимлигидан далолат беради.

«Истеъдод» жамғармаси орқали дунёнинг нufузли олий ўқув юртлирида малака ошириб қайтган ёш педагоглар ва илмий кадрларнинг эгаллаган малакаларини, тажрибаларини ўзлари фаолият олиб борадиган илм масканларида татбиқ этиши ўз самарасини бeryaptими? Мазкур малака ошириш натижалари мониторингини олиб бориш қандай тарзда йўлга қўйилган? Бу ҳақда гап кетганда, шуни таъкидлаш лозимки, малака оширишга эҳтиёж сезган ёки илгор илмий педагогик тажрибаларни ўзлаштиришни мақсад қилган ёш педагоглар, олимлар маълум натижаларга эришмоқдалар. Ўрганган билимлари мамлакат илм-фанининг ривожланишига татбиқ этиляпти. Хорижий давлатларда ортирган тажрибаларни олий таълим соҳасида қўллашга ҳаракатлар қилинапти. Унинг исботи ўларок, китоблар ёзиляпти, замонавий таълим технологиялари, масофавий ўқитишнинг самарадорлиги ҳақида матбуотда чиқишлар бўляпти. Шунга қарамай, бу борадаги ишлар ҳали кўнгилдагидай эмас. Улар чекланган тарзда, суст амалга оширилмоқда.

Шунинг учун «Истеъдод» жамғармаси малака ошириш тизимини янада такомиллаштириш, фан, педагогика ва иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида устувор йўналишлардан келиб чиқиб жамғарма тасарруфида ҳам олиб боришни жорий қилди. Шунга мувофиқ олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ёш, иқтидорли педагог ва мутахассислар учун жамғарма базасида малака ошириш курслари ташкил этилди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда мутахассислар уч йўналиш бўйича, яъни, «Маънавият ва маърифат асослари», «Замонавий инновацион таълим технологиялари», «Масофавий ўқитиш технологиялари»дан малака оширадилар. Бу

КАФОЛАТЛАЙДИ

фанда муайян тадқиқот олиб бораётган мутахассислар учун масофавий таълим технологиялари орқали дунёнинг хоҳлаган олий ўқув юртлири ҳамда илмий марказлари билан боғланиш, шу ердан туриб масофавий таълим олиш имкониятлари мавжуд. Ва шундай масофавий тизимда таълим олаётганлар ҳам бор. Ана шундай имкониятлар мавжуд бўлган шароитда биз ёш педагоглар ва мутахассисларга шу ернинг ўзиде ҳам ушбу йўналишлар бўйича малака оширишга имкониятлар яратишни мақсад қилдик. Қолаверса, биз ҳамма қобилиятли ўқитувчини хорижга жўнатиш имкониятига эга эмасмиз. Ўша чет элда ўрганадиганларини шу ернинг ўзиде ҳам жорий қилишимиз мумкин. Бунда ҳам маблағ тежалади, ҳам кўпроқ ўқитувчиларни малака оширишга жалб қила оламиз.

Биргина масофавий ўқитишнинг ўзидан кўп нарса тежалади. Қолаверса, олиб борилган мониторинглар натижалари олий таълим тизимида фаолият олиб борадиган педагоглар, мутахассисларни бугунги замонавий таълим технологиялари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил қилишнинг зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, хорижий давлатларда оладиган билимлар билан бир қаторда дунё тараққиётининг таълим тизимига қўядиган талаблари бор. Ва бундан педагоглар хабардор бўлишлари керак. Биз «Истеъдод» жамғармаси қошида малака ошириш курсларини ташкил қилишда, асосан, ёш педагогларнинг замонавий инновацион технологиялар, масофавий ўқитиш тизимини ўзлаштириш ва уни ўз фаолиятлари жараёнига татбиқ қилишларини кўзлаганмиз.

Дастлабки курсларда малака оширишга иқтисодиёт, журналистика соҳаси, қишлоқ хўжалиги бўйича таълим берадиган мутахассислар жалб қилинди. Уч дастурда олиб борилган машғулотлар, асосан, тингловчилар-

қисқа ва узоқ муддатли малака оширишга юборилади.

Ўтган йили хорижий давлатларга малака оширишга юбориладиган ўқитувчилар уч босқичдаги мезон асосида танланган эди. Биринчиси, ахборот технологияларидан, иккинчиси, мамлакат тарихи ва маънавият-маърифат асослари ва учинчиси, хорижий, аниқроғи, инглиз, немис ва француз тилларидан танловлар ўтказилган эди. Узоқ муддатли малака оширишга 33—35 ёшдаги мутахассислар танланган бўлса, қисқа муддатлилар учун ёш чегараланмаганди.

Бу йилги малака ошириш дастурларига бирмунча ўзгаришлар киритилди. Шунга мувофиқ хорижий давлатларга узоқ муддатли малака оширишга танланган профессор-ўқитувчиларнинг имкониятлари аввал қисқа муддатли малака ошириш курсларида кузатилади ва қандай натижаларга эришилари аниқланади. Шундан кейин ҳар бир юборилиши лозим бўлган педагогнинг аниқ мақсадли малака ошириш педагогик дастури бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, бу йилги танловларда тил бўйича имкониятлар яна ҳам кенгайди. Эндиликда хорижий тилларга рус тилининг қўшилиши ҳисобига педагоглар Россиянинг нufузли университетлари, илмий марказларида ҳам қисқа ва узоқ муддатли малака ошириш имкониятига эга бўладилар.

Мавжуд имкониятлар катта. Ҳозирда таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий таълим технологиялари асосида иқтидорли мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уни амалиётга кенг жорий қилиш устувор вазифа ҳисобланади. Уни амалга ошириш эса, мамлакат олий таълимнинг янада ривожланишига, жаҳон талабларига жавоб берадиган етук, салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Зеро, бугунги куннинг талаби ҳам ана шу билан белгиланади.

Назира ҚУРБОН қизи,
«Ma'rifat» мухбири

ЧЕТ ТИЛЛАР ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР

Чет тилларни ўрганишга институтимизда катта аҳамият берилмоқда. «Бугун, дунё миқёсида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет тилларни билиш алоҳида аҳамият касб этади» деб таъкидлаган эди ўз нутқларидан бирида Президентимиз И.Каримов. Бу сўзлар ҳозирги замонда чет тилларни ўрганишнинг роли ва аҳамиятини нақадар юксак эканлигини кўрсатади. Асосий дарслардан ташқари махсус курслар уюштирилган (бир ўқув йилида 306 соат), иқтидорли талабалар учун қўшимча 70 соат дарс ўтилади. Талабаларнинг оғзаки нутқ маданиятларини ўстириш учун немис, инглиз, француз тилларига муурожаат қилмоқдамиз. Дарсликларнинг электрон версиялари яратилган. Ўқув кутубхонасидан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кутубхонаси филиали ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бугун жаҳонда янги чоп этилган, замонавий адабиётлар тезкор равишда ушбу кутубхонага келтирилади. Бу эса, талабаларга катта имкониятдир.

Ҳар йили Республика олий ўқув юртлири талабалари ўртасидаги олимпиадада кўпинча бўлғуси юристларимиз биринчи ўринни қўлга киритишади. Махсус кафедра билан бирга фанларро алоқаларни тиклаб, талабаларни қизиқтирган мавзулар бўйича диплом ишларини чет тилларида ҳимояга тайёрлаймиз. Германия академик алмашинув фондининг грантини ютиб олган талабалар Германиядаги халқаро семинарда қатнашиб қайтдилар. Берлин Гумбольдт университетига, Брема университети магистратурасига, Швейцарияга малака оширишга, Алмати жаҳон чет тиллар курсларига қатнашган ёшларимиз билан фахрланамиз. «Ёш юрист» ташкилоти аъзолари Германия таниқли ҳуқуқшуносларини таклиф этиб, халқаро миқёсдаги масалаларни муҳокама қилишди. Буларда чет тиллар кафедраси ўқитувчиларининг ҳиссаси катта.

Холида
АБДУРАҲМОҶОВА,
ТДЮИ доценти

Туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи ва энг динамик равишда ривожланаётган соҳаларидан бири. Тез ривожланиш темплари учун у ўтган юз йиллик иқтисодий феномени деб тан олинган ва XXI асрда унга порлоқ келажакни башорат қилмоқдалар. Бутун жаҳон туристик ташкилоти башоратларига кўра, 2020 йилга келиб халқаро туристик ташрифлар сони 1,6 миллионни ташкил қилади. Кейинги даврда, туризм бизнеснинг энг даромадли турларидан бирига айланди. У жаҳон капиталининг тахминан 7 фоизини ишлатади. 90-йилларнинг бошидаёқ туризмнинг товарлар ва хизматлар жаҳон савдосидаги ҳиссаси 10 фоизни ташкил қилиб, нефть ва автомобиллар экспортидан кейинги учинчи ўринни эгаллаганди, 2005 йилга келиб эса, унинг биринчи ўринга чиқиши мўлжалланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда туризмни ривожлантириш, туристик маҳсулот бозорини шакллантириш, уни бошқариш усуллари қайта ишлаб чиқиш, экспорт потенциалини ошириш ва энг муҳими, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун методологик, методик ва амалий ёндашувлар юзага келмоқда. Ўз ичига 150 та хўжалик субъектларини олган "Ўзбектуризм" миллий компанияси тузилди. Кейинчалик миллий туризмни ривожлантиришга доир ҳукумат қарорлари қабул қилина бошланди. Туризмни тартибга солувчи ягона марказни ташкил қилиш ҳақидаги қарорга экспертлар ижобий баҳо беришди. Туркия, Исроилнинг ижобий тажрибаси ўрганилмоқда, ЖТТнинг методик тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистоннинг миллий туристик моделини яратиш ҳақидаги таклифлар ўртага ташланди. Миллий компания "Буюк ипак йўли" глобал лойиҳаси асосида халқаро туризм, хизматлар

ва савдо соҳалари, кадрлар тайёрлаш ва янги иш жойларини яратиш, хусусийлаштириш дастурини бирламчи йўналиш деб белгилади. Туристтик объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, уларнинг хўжалик ва мулкчилик шакллари ўзгарди. Бинобарин, 1992 йилда туризм тизимида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи бошланди. Иккинчи босқич эса, ўз ичига 1993-1995 йилларни олган эди. Бу давр ичида туризм ривожланишининг миллий модели ишлаб чиқилди. Айни пайтда туристик хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий ўсиши билан бир қаторда, янги туристик маршрутлар ишлаб чиқиш, хизмат маданиятини яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасини кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. Президенти-

тилган "Мерос" дастурининг қабул қилиниши туризмни ривожлантириш йўлидаги иккинчи қадамдир. Шу пайтнинг ўзидаёқ Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида эркин иқтисодий зоналар тузиш ҳақидаги низом ишлаб чиқилди. "Ўзбектуризм" МК туризм операторлари билан тўғридан-тўғри алоқалар тузиш мақсадида Германия (Франкфурт — на-Майне), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амириклари (Шаржа), Россияда (Москва) ўз ваколатхоналарини очди. Туризм ислохотларининг учинчи босқичида — 1995-1997 йиллар — бу соҳада хусусийлаштириш ишлари бошланди. 1996 йилнинг бошида "Ўзбектуризм" МК тизимидаги туристик объектларнинг 90 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилди.

ризм хизматининг ташкил қилинмаганлигидир. Шунинг учун республикамизнинг кўплаб вилоятлари туристик соҳадан четда қоляпти. Ўзбекистонда турмаҳсулот ривожланиши дастуридан аэропортларни, темир йўл вокзалларини, автобус бекатларини қайта қуриш, замонавий телекоммуникация воситаларини яратиш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон туризм саноатида овқатланиш муаммоси ҳам ҳал этилмаган. Европаликлар учун мос таомлар тайёрлайдиган мутахассисларимиз етарли эмас. Чет эл меҳмонхона комплексларида ишлатиладиган керакли жиҳозлар ва технологиялардан таом тайёрлашда фойдаланиш керак. Маҳаллий меҳмонхоналаримиз 20, кўпи билан 25 хил таом таклиф қилса, хорижий мамлакатларда

Tahlil

ларининг ривожланиш даражасини ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ихтисосликни аниқлаб олиш, мутахассисларни ўқитишда миллий туристик ресурслар, улардан фойдаланиш усуллари, янги ахборот технологиялари ва хорижий тилни ўзлаштиришга асосий аҳамиятни қаратиш, ўқув юртларида туристик синфлар, секция ва тўғарақлар ташкил қилиш лозим.

Замонавий туризм саноатини илмий жиҳатдан тадқиқ этишга ҳам кам аҳамият берилмоқда. Бу йўналишда илмий адабиётлар яратилмаяпти.

Деярли ҳар бир мамлакат туризм соҳасининг миллий иқтисоддаги ўрнини кучайтиришга интилади. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий ва иқтисодий база яратилади, кадрлар тайёрланади, виза олиш тартиби енгилаштирилади, туристик маҳсулот ва аънавий товарлар ишлаб чиқарилишига рағбат оширилади. Ва айни вақтда, жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, кўп мамлакатлар шу соҳани шакллантиришда, бошқариш меҳанизмларини ишлаб чиқишда анча қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Бундай ҳолат Ўзбекистон учун ҳам хосдир. Соҳани ривожлантириш учун ташланаётган илк қадамлар, шубҳасиз, кўзланган муддаони беради, деб ўйлаймиз. Ва мамлакатимиз келажакда аънавий туристик оқимлар генератори бўлган АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой, Франция, Буюк Британия, Испания, Россия каби давлатлар сафидан жой олади.

Холмат САМАДОВ,
Тошкент давлат иқтисодий
университети
"Фалсафа" кафедраси
доценти

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ:

бунда Ўзбекистоннинг ўрни ва мавқеи қандай?

мизнинг "Буюк ипак йўлини тиклашда ва халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмаларини тузиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тарихий аҳамиятга эгадир. 1995 йилнинг 1 июнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ягона туристик виза ўрнатилди. Вазирлар Маҳкамасининг тарихий-маданий меросни, яъни ёдгорликлар, бинолар ва санъат асарларини сақлашга қара-

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон йилига 2-2,5 млн. сайёҳлар ва меҳмонларни кутиб олиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Бунинг учун зарурий моддий-техник база яратиш, биринчи навбатда, саёҳатчиларнинг бундай оқимини кутиб оладиган отеллар, кемпинг, меҳмонхоналар ва турбазалар қуриш лозим. Бу объектларнинг фақатгина Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида қурилиши кифоя қилмайди. Ўзбекистонда туризм учун қизиқарли бўлган бошқа жойлар ҳам етарлича. Лекин у жойларга туристик маршрутлар жуда кам ташкил қилинган. Бунга сабаб ўша минтақаларда ту-

бу 200 тага етади. Хусусий ресторан ва қаҳвахоналар қисман бу муаммони ҳал этишмоқда. Япониялик ва италиялик сайёҳларнинг фақатгина 25 фоизи сервиснинг бу турига ижобий баҳо билдирди.

Туризмни ривожлантиришнинг асосий негизи кадрлар тайёрлаш ва илмий таъминотга бориб тақалишини унутмаслик керак. Бунда қуйидаги жиҳатлар муҳим ўрин тутади.

"Туризм" мутахассислиги бўйича олий профессионал маълумотнинг давлат стандартини ишлаб чиқиш, соҳага кадр тайёрлайдиган олий ўқув юртларида туристик фаолият турли хил йўналиш-

Энг яхши дўст ким(нима) бўлиши мумкин?

Мактабнингизда энг яхши ўқитувчи ким?

Синфингиздаги энг аълочи ўқувчини биласизми?

Кимни энг ёмон киши деб атаймиз?..

Эҳтимол, бу саволларга аллақачон жавоб топиб бўлгандирсиз. Умуман, сизнинг ҳаётингизда "энг" қандай аҳамиятга эга? Яхшиларнинг энг яхшиси бўлишни барча ҳам истайди. Бизнингча, "энг"га энг кўп мурожаат қиладиганлар кичик ёшдагилар бўлса керак.

"Мен энг чиройли қиз бўламан".

"Ота-онамининг энг яхши кўрган фарзанди менман".

"Мен синфимиздаги энг кучли ўқувчиман" ва ҳоказо.

Ҳа, барча қизлар энг чиройли, барча ўғил болалар эса, энг кучли ва мард йигит бўлишни орзу қилишади. Шубҳасиз, катталар ҳам бундан мустасно эмас. "Энг"ликка эришиш истаги уларда ҳам бор. Фақат...

Ҳар нарсада ҳам меъёр бўлгани яхши экан. Яъни, "энг"га меъёридан ортиқ даражада ружу қўйиш инсон-

«ЭНГ»ЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ

ни тубанлаштириб юбориши ҳеч гап эмас.

Ҳаётининг мисолларга мурожаат қиламиз.

У жуда яхши яшарди. Ҳамма нарса бор. Моддий ва маънавий жиҳатдан бой эди. Кўпчилик унга ҳавас қиларди. Кейин... у "ўзгарди". Бойлигини кўз-кўз қиладиган бўлди. "Орангизда энг бойи ўзимман", деб тез тақорлайдиган бўлди. Ҳеч кимнинг ўзига тенг келмаслигини истайди ва бунинг учун неки бўлса, қилди... Ҳаромдан ҳам кўркмай қўйди. Охири...

Яна бир мисол. Бир онанинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг:

"Қизим кейинги кунларда ёмон томонга ўзгарди. Туппа-тузук фарзандинг бирдангина "айниса", ғалати бўларкан. Илгари унча ҳам ўзига эътибор беравермайдиган қизим

энди тинимсиз "кийим олиб бера-сиз", деб жанжал қиладиган бўлди. Айтишича, синфидаги энг чиройли қиз бўлмоқчимиз".

"Энг ёрқин юлдуз" бўлиш мақсадида юрганлар қанча экан? Бунинг учун одамлар нималар ҳам қилмайди, дейсиз? Кимдир моддий маблағ ёрдамида, яна кимдир бошқа йўллар билан.

Бундан келиб чиқадики, "энг"-ликнинг азоби ёмон. Энг ёмони эса, "энг"ликка интилишнинг салбий томонлари кўпроқ. Энг аълочи ўқувчи бўламан, энг яхши инсон бўламан, деб астойдил ҳаракат қиладиганлар, ўйлаймизки, энг машхур одам бўламан дегувчилардан анча кам. Нега? "Энг"ликка интилиш фақат машхурлик ёки ташқи қиёфанинг гўзаллиги борасида бўлиши керакми? "Энг"ларнинг энг яхшиси инсоний фазилатлар билан ўлчанмайдими?

Мана, айрим маҳаллий бойларни олиб кўрайлик. Бир-биридан ўтаман дейди. Энг бойи ўзимман, энг чиройли уй меники, энг кўп пул менда. Балки, Сиз ҳам бундайларни учратган бўлсангиз керак.

Ажаб, энди тўю тантаналарда, тугилган кунларда ҳам "энг"ликка ружу қўйишни кўринг. Энг "дабдабали" кечалар ўтказиш бўйича тинимсиз тортишувлар кетмоқда.

Рост, одатда, "энг"ларга бошқача муносабатда бўлишади. Энг яхши, энг кучли, энг зукко ва ҳоказо. Аммо бундай номга эришиш учун виждонни унутиб қўйиш керак эмас-да.

Ўқув юртларида, хусусан, мактабларда ҳам "энг"ликнинг бир қанча намуналарини кўришимиз мумкин. Энг аълочи, энг фаол, энг иқтидорли, энг шижоаткор ўқувчи бўлиш истагида қилинаётган ҳаракатларни тўғри деб биламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Эътибор берган бўлсангиз, энг яхши мукофот ҳам ана шундайларники.

Демакки, "энг"лардан фақат эзгу мақсадлардагина фойдаланишни тавсия этамиз. Ана шундагина энг катта ютуқ Сизники бўлади. Акс ҳолда...

Бехзод ФАЗЛИДДИН

**ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ
РОБОТ ЯРАТИЛДИ**

Xinhua агентлигининг хабар беришича, Хитой олимлари терроризмга қарши курашувчи робот яратдилар. Шанхай транспорт университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган робот портловчи мосламаларни зарарлантиришга мўлжалланган. Робот бошқаруви супер — D маркаси билан масофавий ҳаракатга келтирилади. Қурилманинг узунлиги 120 см бўлиб, оғирлиги 200 килограммдир.

Робот минутага 40 метр тезликда ҳаракатланади. Тепаликка ёки зинадан 40 даражада эгилган ҳолда чиқади.

Бу ақлли машиналардан Хитой аэропортларида ҳамда бошқа жамоатчилик жойларида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

**ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ
ҚАЙТА ЎТКАЗИЛАДИ**

Абхазияда президентликка номзодлар, аввалги рақиблар Сергей Богапш ва Рауль Хаджимба республикада қайта президент сайловини ўтказишга келишдилар. Қизиги шундаки, ҳар иккала сиёсатчи энди бир жамоада иш олиб боришади. Фақат бу сафар Сергей Богапш президентликка, Рауль Хаджимба вице-президентликка даъвогарлик қилишади. 3 октябрда ўтказилган сайловда ҳар иккала номзод умумий ҳисобда 85 фоиздан юқори овоз олган эдилар.

Кўпчилик радикал қаршиликлар аёллар уюшмалари томонидан бўлди. Улар Абхазиянинг амалдаги президенти Ардзинбанинг уйи олдида Богапш ва Хаджимбаларнинг келишувларига йўл қўймасликни талаб қилиб, плакатлар билан намойишга чиқдилар. Шунга қарамай, Ардзинба келишувга имзо чекди.

Республикада яна сайловолди мусобақалари авж олиши кутиляпти.

**КИЧКИНА МЕТЕОРИТНИНГ
КАТТА ВАҲИМАСИ**

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатида Тари шаҳри аҳолиси метеоритнинг кучли портлашидан уйғондилар. Шаҳар кундуздек ёришиб кетди. SYDNEY MORNING HERALDнинг хабар беришича, портлаш кучи 500 тонна тринитрополуолга тенг. Портлаш овозини Хобарт ва Теннант — Крик шаҳарларида жойлашган махфий ядровий синовлар ўтказиш станцияларига ўрнатилган махфус микрофонлар тутишга муваффақ бўлди. Давлат геологик хизматида ишлайдиган олимлардан бирининг "Девид Браун" газетасига берган интервьюсида айтилишича, мониторлар кўрсаткичлари ёрдамида бўлган воқеани қайта кўриш имконияти тузилган. Яна бошқа газеталар метеорит эрталаб соат 4:18 да ғарбдан шарққа учгани ва 30 км. баландликда 5 қисмга бўлиниб, сўнг портлагани ҳақида хабар беради. "Биз портлаш тўлиқини беш дақиқа давомида кузатдик. Тахминимизча, метеорит парчалари денгизга кулаган", деб ёзади "Девид Браун" газетаси.

Махаллий астроном Роб Макнотнинг таъкидлашича, метеоритлар атмосферага тўқнашган вақтида одатда секундига 20 км. тезликда ҳаракатланади. Унинг тезлиги секундига 90 км.га еганида ёнишни бошлайди. Шунингдек, Робнинг таъкидлашича, портлаган метеорит тахминан баскетбол тўпининг катталигича бўлган.

Интернет манбалари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 104-гурӯх талабалари тайёрладилар.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, қасаба уюшма кўмитаси ҳамда ўзбек филологияси факультети жамоаси «Хозирги замон ўзбек адабиёти» кафедраси доценти Раҳматилла ИНОҒОМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

ДАСТУРЛАШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Компьютерни дастурлаш бўйича жаҳон биринчилиги Шимолий-шарқий Европа минтақаси доирасидаги олий таълим муассасалари жамоалараро ярим финал мусобақалари Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтди. Мусобақаларда биринчи ўрин Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети жамоасига насиб этди ва улар

«Ўзинфоком» маркази «Пентюм-IV» шахсий компьютери билан тақдирланди. Иккинчи ўрин эса, мезбонларга муносиб топилиб, рангли телевизор совға қилинди. Тошкент давлат техника университети ҳам фахрли ўрин эгаси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг компьютерлар аксессуарлари билан тақдирланди. Мусобақада Ўзбе-

кистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан жами 41 жамоа иштирок этди. Бир вақтнинг ўзиде бошқа минтақалар бўйича Санкт-Петербург, Барнаул ва Ереванда ҳам ярим финал баҳслари бўлиб ўтди.

**Хусниддин ЧЎЛИЕВ,
Жасур ШЕРМАТОВ,
ЎзДЖТУ талабалари**

Лондон шаҳрига, дунёда булутлар ўлкаси, дея таъриф беришади. Ҳақиқатан Англиянинг пойтахтида куёш камданкам кўринади. Шаҳар аҳолиси эса, ўзи билан ҳаммиша соябон олиб юради. Шунга қарамайдан, Ер кўррасининг кўплаб мамлакатларидан сайёҳлар ушбу қадимий ва ўз навбатида замонавий шаҳарни кўришга, унинг бетакрор обидаларидан бахраманд бўлишга интилади.



Лондоннинг туб аҳолиси вакилига шаҳарнинг энг гўзал ва ҳашаматли жойлари қаерда, деган саволни берсангиз, у хайрат ила сизга қараб туради ва ўз навбатида шаҳарнинг ўзи ахир тирик музейку, қаерига қадам қўйманг, ўзингиз учун қизиқарли бўлган оламга шўнғийсиз, деб жавоб беради ҳамда кўчалар ва обидаларни санай кетади. Парламент биноси ва Биг Бен жаранги, Даунинг-стрит 10, Бейкер-стрит 221-бис, Тауэр Бридж ва Тауэр-Сити, С и т и ,

чтампт минораси, санъат маркази, ҳашаматли томоша доираси остида қад кўтариб турган Докландс дея аталаётган XXI аср ишбилармонлик маркази кўриниб туради. У ёғига дарё бўйлаб Хэмптон Корт, парламент бинолари, Авлиё ота Павел ибодатхонаси, тепага кўтарилиб тушадиган машхур «Тауэр» кўприги остидан у ёғига денгиз томон борилади. Самолётдан Темза дарёси ус-

**ЛОНДОН ҲАҚИДА
НИМА БИЛАСИЗ?**

Авлиё Павел ибодатхонаси, Шекспирнинг глобуси, Вестминстер аббатлиги, Трафалгар майдони, Пикадилли, Гринвич, Винзор ва Букингем саройлари, Гайт, Реджентс, Сейнт-Жеймс, Грин Темза сайилгоҳлари ва кўплаб бошқа мажмуалар.

Лондон аҳолисининг сони салкам 9 миллион киши. Майдони 625 квадрат милни ташкил қилади. Шаҳар 23 тумандан иборат. Энг йириклари—Вестминстер, Сити, Стрит Жеймс, Сохо ва Стренд.

Машхур инглиз адиби Самуел Жонсон ўз вақтида айтган эди: «Агарда сен Лондон шаҳридан чарчаган бўлсанг, демек, сен яшайдан чарчагансан» ёки ёзувчи Герберт Уэллснинг айтишича: «Мен учун Лондон энг қизиқарли, энг чиройли, энг хайратомуз шаҳар».

Орадан бир неча йиллар, асрлар ўтиб, ҳозирги кунда ҳам шаҳарни кеза туриб, лондонликларнинг қанчалар ўз юртларини севишларига, асраб-авайлашларига гувоҳ бўласиз. Албатта, Лондон деганда кўз олдингизга биринчи бўлиб Темза дарёси келади. Пойтахтнинг қоқ ўртасидан оқиб ўтадиган анча катта ва кенг дарё кўплаб расом ва мусаввирлар томонидан бир неча марта акс эттирилган. Дарё бўйлаб ажойиб, бетакрор бинолар қад ростлаган. Темзанинг жанубий қирғоғидан бошлаб кўп қаватли бинолар, марказий по-

Dunyoning yirik shaharlari

лумотлар берилган эди. Шаҳар туманларга бўлиниб, бой ва зодагонлар ўз худудларига эга бўлишган. Ишчи-хизматчилар ва оддий фуқаролар эса, шаҳарнинг алоҳида туманларида истиқомат қилган. Маълумотларга кўра, 1888 йилда Административ Коунти оф Лондон ёки бошқа номи Линер Лондон тумани 302 кв.км майдонга эга бўлган ва у ерда 4685 минг аҳоли истиқомат қилган. Кейинчалик Метрополитон энд Сити оф Лондон, Полис Дистрик ёки Грете Лондон худуди билан бирга 1795 квадрат километрга тенг бўлиб, 6,6 млн. аҳоли(1905 йил маълумоти бўйича) яшаган ва 600 минг хонадон жойлашган. Шаҳарнинг

қилади. 1665 йилда авж олган ўлат касаллиги 70 минг аҳолининг ҳаётига зомин бўлган. 1666 йилда бўлган катта ёнғин 13200 хонадонни кулга айлантирган. Сўнгги юзйилликларда ўта катта фалокат Лондон бошига тушмаган. Собиқ аббатлик пиво тайёрлаш корхонаси ўрнида ҳозирда машхур Даунинг стрит кўчаси қурилган. Шундан буён 250 йил мобайнида айнан шу кўчада бош вазир қароргоҳи жойлашиб, фаолият юритади. Ўттиз йил олдин бинони таъмирлаш жараёнида қадимда яратилган сопол идишлар топилган. Парламент аъзоси Жорж Даунинг машхур боши

асосий қисми

— Сити тумани асосан савдо-сотик маркази вазифасини бажарган. Вестэнд туманида бой ва зодагонлар, савдогарлар турган. Шаҳарнинг иккала қисми ҳам Темза дарёсининг шимолий қисмида жойлашган. Истэнд тумани дарёнинг қирғоғида барпо этилиб, денгиз орқали амалга оширилаётган савдо-маркази бўлган. Нордэнд шаҳарнинг янги яралган қисми бўлиб, унда 8 та сайилгоҳ кўчалар, 19 та дарё усти кўприклари, 5 та дарё ости тунели, 1 та темир йўл, 2 та электр ёрдамида юрадиган трамвай йўллари, 17 та катта вокзал, Букингем саройи(қирол қароргоҳи), Сент Жеймс(қиролнинг собиқ қароргоҳи), Кенсингтон тасвирий санъат галереяси, Вестминстер(парламент биноси), Биллур қаср (ҳинд музейи), Авлиё Павел ибодатхонаси, 60 та театр, Британия музейи(дунёда энг бой музей ҳисобланади) ўрин олган.

Сити тумани эса, умуман, шаҳар ичидаги шаҳарга ўхшайди ва ўзини мустақил бошқаради. Унда иккита лорд мэр, иккита шериф иш юритади. Шаҳарчининг кирим ва чикими йилига 10 млн. фунт стерлингни ташкил қилган. Йирик ишлаб чиқариш, кема-лар қурилиши, машинасозлик, мебель ишлаб чиқариш ва энг йирик банк «Бенк оф Лондон», бундан ташқари 224 та хусусий банклар мавжуд.

Лондиниум шаҳарнинг тарихий номи бўлиб, римликлар қўли остида бўлган. 1210 йилда қирол Иоанн Лондон шаҳрини озод деб эълон

берк кўчага асос солган. 10 рақам берилган қароргоҳ ҳозирги кунгача деярли асл ҳолида сақланиб қолган. Ушбу уй бош вазирнинг иш жойи сифатида хизмат қилади ва фақатгина бир полициячи томонидан кўрикланади.

Шундай осори атиқалар ичида ҳашаматли Биг Бен соати ҳам бор. Жарангдор соат 1859 йилдан буён аниқ юриб келмоқда. Унинг лойиҳаси 1837 йилда қиролича Виктория даврида ишлаб чиқилган ва қурила бошлаган эди. Кўнғироқнинг оғирлиги 13,5 тонна келади.

Кейинги катта ёдгорлик—парламент биноси Вестминстер саройи. Бино дунё бўйича энг машхур қурилмалар қаторига киради. 1042 йилда сарой қурилиши қирол Эдуард томонидан бошланган. 1666 йилдаги ёнғин саройга катта шикаст етказган. 1834 йилда Чарлз Бэрри қасрни қайта тиклаган ва ҳозирги кунгача Буюк Британия парламенти унда фаолият кўрсатади. Яна бир нарсга алоҳида эътиборга лойиқ. Айти Лондонда биринчи бор метро ишга тушган. Бу воқеа 1863 йилда қайд этилган. Ҳозирги кунда Лондон метроси 12 та станцияга эга ва нафақат шаҳар ичида, балки шаҳар ташқариси ҳамда пойтахтнинг энг катта аэропорти—Хитроуда ҳам бекатларига эга. Шу йилнинг ўзиде расман Шеффилд худудида миллионлар ўйини—футболга асос солинган.

Албатта, Лондон ҳақида жуда кўп гапириш ва ёзиш мумкин. Биз фақатгина шаҳарнинг энг эътиборли жойларию номдор қурилмалари ҳақида фикр юритдик, холос.

**Сарвар САЙЁР ўғли ва
Нозима ИКРОМОВА
тайёрлади.**

Бир куни домламиз Тўлқин Эшбек дарс якунида бир лаҳза жим қолдилар. Дарров билдикки, янгилик эшитамиз. Аудитория сукунат тўнига ўранди.

— Азизларим. Пойтахтимизни террорчилар босиб кетди, — дедилар домла жиддий оҳангда. Олдинига ҳайрон бўлдик. Кейин ҳамма баробарига чувиллади:

— Тушунтириб гапиринг, устоз! Қанака террорчилар?!

Ажабки, домланинг юзлари қилт этмади.

— Кўча-кўйда пиrotexnika воситаларини ишлатиб юрган болаларнинг террорчилардан қаери кам? Қани менга айтинлар-чи? Китоб ўқиш ўрнига "террорчилик" қилиб юрган ёш авлоддан ertaga нима кутиш мумкин?! Жавоб беринлар!..

Хонани маҳзунлик қоплади.

Эртасигаёқ "Чорсу" бозорига бордим. Метрополитеннинг "Чорсу" бекати ёнида эса, мени ҳайрон қолдириб битта ҳам сотувчи йўқ эди. Бирпас айландим. Кейин фартуги чўнтагига қўлини тикиб олган чиройлигина қиздан сўрадим:

— Пақиллоқ борми?..

У сассиз бир неча турлисини рўбарў қилди.

— Нега яширинча сотаяпсиз?..

— Кўрмаяпсизми? Ментлар...

Бош ирғаб петардларни кўра бошладим.

— Исмингиз нима? — деб сўрадим.

— Нима қиласиз? — шубҳаланиб қаради.

— Шунчаки... Ёқиб қолдингиз...

Сотувчи индамади.

— Сотиб олсам айтасизми?

Бош силкиди. Бир пачка петард сотиб олдим: 200 сўмга 62 дона.

— Айта қолинг, энди... — тихирлик қилиб сўрадим.

— Шаҳноза... Мана шу ерга келсангиз, қанча бўлса топилади...

— Қаердан обкеласиз буни, мен ҳам шуғулланмоқчийдим.

— Қозоқлар обкелади. Бўпти...

Бошимни кўтарувдим, эртақдаги парилардек қайгадир йўқолди.

Петард (таржимасини топа олмадик) — кимёвий портловчи модда. Таркибида кучсизлантирилган порох бор. Пачка орқасида ёзилишича, 16 ёшгача бўлган болаларга сотилиши мумкин эмас. Петард гугурт воситасида ёқилиб, 5-6 метр масофага отиб юборилади. Ва 2 минутгача унинг олдига яқинлашиш мумкин эмас. Яна петард пачкаси орқасида қайд

зорининг орқасига ўтиб, сийрак йўлкаларнинг бирида ёқа бошладим.

Йўлақда ўтаётганларнинг кўзига тикилдим. Совуқ нигоҳларни кўриб, этим жимирлаб кетди.

Иккита қиз суҳбатлашиб келишарди. Петард ёқиб иргитдим.

— Вой... — кўркүвдан қизнинг юзи оқариб кетган эди.

Дугонаси аланглаб қаради. Менга бирпас қараб туришгач, индамай йўлда давом этишди.

Ўзимга қараб кулиб юбордим. Кос-



этилишича, Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳри Жибек Жолу қўчаси 403-уйда "БО-ПИН-ТРЕЙД" фирмасининг офиси жойлашган. Ва мазкур пиrotexnika воситаси ушбу фирманинг маҳсулоти ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудига эса, табиийки, бу маҳсулот ноқонуний йўллар билан кириб келади.

Пақиллоқни сотиб олгач, "Чорсу" бо-



тюр-шимда, оқ кўйлақда пақиллоқ пақиллатиш ҳақиқатда кулгили эди.

Мен кун бўйи Тошкент шаҳри (Талабалар шаҳарчаси, Бобур номидаги истироҳат боғи, метрополитеннинг "Космонавтлар" бекати ёнида)ни кезиб бир пачкани пақиллат-

дим. Биронта завқланган кишини учратмадим. Нафратомуз нигоҳлардан безган

Ogohlik

пайтимда эса, кун ботиб шаҳар гўзаллашган эди.

Беҳзод Алиев. 16 ёшда. "Чорсу" бозорида пиrotexnika воситаларини сотиш билан шуғулланади.

Секин гапга солдим.

— Бир кунда неча пул савдо қиласан?

— 60-70 минг сўм.

— Фойда қандай?..

— 7-8 минг қолади...

— Тури кўп-а пақиллоқнинг, тўғрими?..

— Э... Даҳшат-ку, ока. "Шрейк", "Микки Маус", "Қароқчи", "Тирена", "Члейк Баук"...

— Қай бири зўр?

— "Микки Маус"-де.

— Буни... пақиллатишади, а? Яхшимикан шу иш?..

— Э, ман қаттан билий... мана ока, Зўри бор, мана кўринг...

Беҳзод ишга шўнғиди.

22 ноябрь куни Тошкент шаҳар 16-сонли Шошилиш тиббий ёрдам кўрса тиш илмий марказига бордим.

Петарддан жароҳатланиб тушган беморларни сўрадим.

— Унақа беморлар ҳали келмади, — деди кўзлари кулиб турган ҳамшира.

Кўнглим тоғдай кўтарилди.

Бугун ёзилажак мақоламни ўйлаб, хаёл билан таҳририят томон келаётгудим. Бирдан ёнгинамда бир нима пақиллаб кетди. Чўчиганимни билдирмасам-да, ўгирилдим. Ён атрофимда эса, иккита ёш қизлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди?

Индамай йўлимда давом этдим. Шунда ортимдан қизларнинг кулгуси эшитилди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗМУ талабаси

Бир ярим ёшли Скарлетт Уардл — бугунги кунда ота-онасидан ҳам кўпроқ пул ишлаб топаётган кичкинтойлардан бири ҳисобланади. Бу жажжи гўдак эндигина эмаклай бошлаши билан реклама роликларини тайёрлайдиган суратга олиш майдончасида пайдо бўлиб қолди. Митти гўзални Англиянинг Уэстклиф-он-Си шаҳарчасидан, "Хаггис" тагликларини реклама қилиш учун танлаб олишган. Телестудия эшиклари ёнидан ўтишига тўғри келган одамлар байрамона либосдаги ҳайдовчининг кўркам лимузин машинасидан миттигина қизалоқни кўтариб тушаётганига кўп бора гувоҳ бўлишган ва уни завқланиб кузатишган. Кичкинтой тўрт кун давомида суратга олиш ишлари билан банд бўлиши керак эди. Бунинг учун унга 5 минг фунт тўлашади. Студияда уни бир талай мутахассислар жамоаси кутиб туради, шу жумладан, пардозчи ҳам. У ҳаммиша сўлагини оқизиб юрадиган қизалоққа яқин турар ва ўз вақтида унинг лабларини, озгини артиб кўярди. Шунингдек, услубчи ҳам қизчанинг таглиги четга сурилиб кетса, тўғрилаб кўяр, болалар ошпази кичкинтой-моделнинг қорни очиб қолса, шу заҳоти унга сули ёрмасидан бўтқа пишириб беришга ҳозир нозир турарди. Скарлеттнинг моделчилик мартабаси ана шундай бошланганди.

Албатта, гўдакнинг ҳали йўрғаклигаёқ ҳаётини тажриба тўплаб, муваффақият қозониб боришида тадбиркор онасининг хизмати катта. Бунинг учун у онасидан миннатдор бўлиши керак. У барча болаларини чақалоқлигиданоқ бизнесга жалб этиб, улардан митти

моделлар тайёрлашга энг шимариб киришиб кетган аёл. 34 ёшли Керри азробикадан дарс берар ва соатига атиги 15 фунт топарди. Унинг эри, 32 ёшли механик Эдди ҳам арзимас маош олар эди. Яхшики, уларнинг бахтига уч нафар фарзандлари бор ва уччаласи ҳам онаси томонидан реклама роликларидан суратга тушишга жалб этилган. Аввалига ўғиллар — Кристофер ва Коннорнинг агентини Шарон Оби Керрининг яна ҳомилдор бўлганлигидан хабар топгач, у ҳали дунёга келмаган болакайнинг кейинги суратга олиш ишлари учун навбатга киритиб қўйди. Скарлетт тугилиши баланоқ онаси унинг суратини Шаронга жўнатди ва орадан бир неча ой ўтиб, қизалоқ кўрикка таклиф қоғозини олди. Скарлетт шу заҳоти керакли ҳолатда тура олиш иқтидорини намойиш этди. У камера томонга эмаклаб борди ва сўнгра энгашиб турганча, кийиб олган таглигини намойиш қилди, кейин эса, бошини оёқлари орасига тикди. Орадан икки кун ўтиб, унга иш таклиф қилишди. "Хаггис" реклама роликдаги муваффақиятидан сўнгра, қизалоқ "Эйвон" каталоги, "Прима бейби" муқоваси, яна кўплаб ялтироқ журналлар учун қойилмақом қилиб суратга тушиб берди. Унинг агенти қизалоқ учун кунига 250 фунтдан маош тўлашлари ва муаллифлик

ҳуқуқларига амал қилиниши хусусидаги масалани ҳал қилишга эриша олди. Унинг номига ҳисоб рақами очилди, онаси эса, нуридийдаси ишлаб топган пулларни жамғариб бормоқда. Ўзининг бир ярим ёшида Скарлетт рекламали фотосуратларини ва телеэкрандаги қиёфасини таний бошлади. У ўзини кўриб қолса қувонганидан қўлчалари билан чапак чалиб: "мен, мен!" - дея бақира бошлайди.

Dunyo bolalari

Бу каби юлдуз-болакайларнинг ота-оналарини одатда ўз болаларидан фойдаланмоқда, деб айблашади. Улар эса, бунга жавобан, митти моделлар учун камера олдида туриб ишлаш ҳеч бир қийинчилик тугдирмайди ва ҳатто улар бундан завқланиб, баҳра олишади, дея таъкидлашади.

Қора танли Аманда Такер қизи Шермани Лондондаги энг чиройли қизалоқлардан бири деб билиб, реклама учун у суратга тушмаса ким тушади, дея ўз фикрини изҳор қилган. Қизча чиндан ҳам иш берувчиларнинг кўнглига ўтиришиб қолди ва икки ёшли бу жажжи қорамағиз модель ҳозирнинг ўзида 1400 фунт пул жамғариб қўйди.

Онанинг ишончи комил, боласи келажақда хусусий мактаб-

да ўқиш учун мустақил равишда пул тўплай олади. Унинг жажжи қизалоғи эса, бунақа пулларни бир дақиқали суратга олиш жараёнининг ўзида ишлаб топмоқда. Уйқусиз тунни ўтказган бўлишига қарамай, Аманда қизалоғини етаклаб суратга олиш майдонига боришга куч топа олади. Шерма ҳафта давомида уч ёки тўртта кўриқда қатнашиб туради. У 5 дақиқалик иши учун 20 фунт пул ишлаб топиши мумкин. Аманда суратга олиш ишлари учун 10 минг фунт тўлашларини ҳам яхши билади, аммо кичкинтойини бунчалик оғир синовларга дучор қилиш ниятида эмас. 27 ёшли Надя Скилл ҳеч қаерда ишламайди. Негаки у кун бўйи иккита фарзанди билан кўрик-синовларга қатнайди. Бор-йўғи олти ойлик бўлган унинг Генриси ҳозиргача 600 фунт ишлаб бўлди. Ўзининг биринчи реклама телеролигига у 8 ҳафталигидаёқ суратга тушиб, 15 дақиқалик иши учун 70 фунт пул олган. Унинг опаси Жоржия ҳозир икки ёшда, у ҳам модел номини йўрғакда олган. Кичкинтойларнинг онаси ўз фарзандлари муваффақиятидан мамнун. У ҳаммиша ўзининг ўғил ва қизи эмаклаб юрган рекламали плакатлар билан безанган супермаркетларга жон-жон деб қатнайди.

Болакайлар кўп пул топсаларда, кўпчилик ота-оналар

келгусида фарзандларининг моделликни давом эттиришини истамайдилар. Умуман реклама бизнесига чуқур кириб боришига қаршилар. Улар катта ёшли моделлар орасидаги рақобат жуда кучли эканлигидан чўчиб, яхшиси, бундайроқ касбни танлаб, хотиржам ўз тирикчиликларини ўтказишларини хоҳлайдилар. 34 ёшли Рейчел ўзи профессионал моделчи бўлгани ҳолда, ўғлининг осойишта ҳаёт кечиршини истаydi. Шунга қарамай у ўз ўғлини моделчилик ишига ҳали у тинчгина дунёга келишини пойлаб, онасининг қорнида ётган пайтидаёқ аралаштириб қўйишга улгурган эди. Рейчел ҳомилдорлик вақтида ҳам турли ҳолатларда суратга туша берган, қорни бироз қаппайиб қолган кезларида эса, агент туғилажак болани моделчилик агентлигига навбатга тиркаб қўйишни таклиф қилган. Натижада Люк 5 ҳафталик бўлган пайтидаёқ биринчи шартномасига эга бўлган. Унинг суратларини "Пирма бейби" журналининг ички кўш саҳифасида эълон қилишганди. Онаси эса, чақалоқнинг иш ҳақини банк ҳисоб рақамига киритиб қўйди. Люк 9 ойлик бўлгунига қадар 1150 фунт ишлаб топди. Болакай бир соатлик иши учун онасидан ҳам кўпроқ — 135 фунт ҳақ олади. Онаси атиги 90 фунт. Кичкинтой улғайиб вояга етгач, Рейчел уни кўрикларга олиб боришни тўхтатмоқчи. Келажақда болам ташқи қиёфаси билан эмас, балки ақли билан пул ишлаб топсин, дейди Рейчел.

Хориж матбуот материаллари асосида Шарифа МАДРАХИМОВА тайёрлади.

ЙЎРГАКДАГИ «ЮЛДУЗ» ЧАЛАР

РАҚИБ ЖИДДИЙ

Хамюртимиз профессионал боксчи Руслан Чагаев 14 декабрь куни Зельдендаги Freizeit Arena спорт мажмуида америкалик Томми Конелли билан жанг олиб борадиган бўлди. Русланнинг рақиби эндигина ийгирма уч ёшга тўлган бўлсада, у бокс оламида донг таратган. Мутахассислар америкалик боксчи Руслан сингари кучли зарбага эга эканига алоҳида эътибор қаратмоқда. Томми Конелли ўн бешта жангдан ўн иккитасида галаба қозонган ва рақибларини ўн маротаба нокаутга учратган. Бироқ, ёш боксчи уч марта мағлубият аламини Хаваскор боксда ҳон чемпионлигини ўзбек боксчи-сионал рингда ўн беш маротаба жанг ўтказган. Русланнинг Томми Конеллидан устун томони шундаки, хамюртимиз энгилмас профессионал боксчилардан ҳисобланади. Андижон бокс нокаути вакили ўн тўртта жангда жанг кучан, ўн икки марта рақибларини нокаутга учратиш, мударидан олдин рингни тарк этишга мажбур қилган. Фақат бир учрашувда дуранг натижа қайд этган. Юртдошимиз ўта оғир ваэлни боксчилар ўртасидаги рейтингнинг олтимиш биринчи поғонасидан жой олган.

Boks

СОХТА ЧЕМПИОНЛАР

Афинада Олимпиада ўйинлари билан боғлиқ ноҳуш воқеа юз берди. Грециянинг умидли спортчилари бўлмиш 200 м.га югуриш бўйича Сидней олимпиадаси чемпиони Костос Кентерис ва 100 м.га югуриш бўйича кумуш медали совриндори Катерина Тану Афина мусобақалари олдида допинг текширувидан ўтмаган. Афина прокуратураси текшируви шуни кўрсатдики, Костос ва Тану ўзларининг автохалокатда жароҳатланганликларини баҳона қилиб, Афина касалхоналарининг бирида яшириниб юришган. Костос ва Тану олимпиада мусобақаларидан четлаштирилди. Халқаро энгил атлетика ассоциацияси спортчилар устидан текширув ишларини бошлади. Текширувлар натижасида спортчининг мурабийси Христос Тзекос бу ишларда алоқадор деб топилди. Христосга тегишли фирмадан юзлаб қутиларда таъқиқланган моддалар топилган.

ГОЛ УРИБ, ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМГАН ЎЙИНЧИ

Бразилиялик ҳужумчи кичик Криштиану де Лима яқшаб куни Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида ўтказилган футбол учрашувда ҳалок бўлди. 78-дақиқада ўзининг 2-голини урган легионер тўсатдан йиқилди. Шифохонага етказилгандан сўнг унинг майдонда жон таслим қилгани маълум бўлган. Унинг ўлими сабаблари аниқланмади.

Федерация кубоги учун кечган ушбу "Демпо" ва "Мохун Баган" ўртасидаги ўйин тўхтатилгани йўқ. Ўйин 2:0 ҳисоби билан "Демпо" фойдасига ҳал бўлди. Де Лима шу йилда вафот этган ягона футболчи

Юртимизда шу йилнинг 10 ноябридан 10 декабрига қадар ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида республикамизда 12067 та ёнгин содир бўлган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 3 фоизга камайган. Ушбу ёнгинлар натижасида кўрилган моддий зарар 700 миллион сўмдан ошиб кетди. Ёнгинлар натижасида жароҳат олганлар 798 нафарни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 фоизга камайган), ҳалок бўлганлар сони 128 нафарни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 фоизга камайган) ташкил этди.

Шахсий уйларда содир бўлган ёнгинлар аксарият ҳолларда маст

ри учун телефон симини узиб қўйинг. Оддий телефон кўнгириги ҳам учун чиқариб, портлашга олиб келиши мумкин. Ташқарида газ хизмати мутахассислари етиб келишини кутинг.

Қандай қилиб газ чиқилишининг олдини олиш мумкин? Бунинг учун газ плиталари ва баллонларини ўрнатиш вақтида, фақат газчилар хизматидан фойдаланинг. Газ асбoblari ўрнатилгандан сўнг, улардан бажарилган ишлар техник меъёрлар ва хавфсизлик қоидаларига асосан амалга оширилганлиги ҳақида ҳужжат талаб қилинг. Ёш болаларни газ плитасига яқинлаштирманг ва ошхонада ўйнашларига руҳсат берманг. Ёнаётган газ хонанинг ҳавосини камайтиради. Шунинг учун ошхо-

«04»ГА ҚЎНГИРОҚ ҚИЛИНГ

бўлиб ўринда сигарета чекиш, унинг қолдиқларини ўчирмасдан дуч келган жойларга ташлаб юбориш, болаларнинг қаровсиз қолиб, гугурт билан ўйнашлари, газли ва электр иситиш анжомларидан фойдаланишда эътиборсиз бўлиши оқибатида юзага келмоқда.

Бундай ҳолатлар содир бўлмаслиги учун бир нечта маслаҳатларга амал этишингизни сўраймиз.

Агар асосий қувурдан газ чиқаётган бўлса, тезда кўшнларингизни огоҳлантиринг ва улар орқали «04»га қўнгироқ қилинг. Хонада учун чиқмаслиги ва иссиқлик даражаси кўтарилмаслигини таъминланг. Хонадаги барча кишиларни ташқарига чиқаринг ва хонани шамоллатинг. Телефон ва электр токидан фойдаланманг. Сизга қўнгироқ қила олмасликла-

надаги шамоллатиш мосламаларини беркитиб қўйманг. Хонани тез-тез шамоллатиб туринг. Уйдан чиқиб кетиш олдида газ жўмрагини беркитишни унутманг.

Ҳозирги совуқ кунларда кўп жойларда турли иситиш анжомларидан фойдаланилмоқда. Биз бу борада юртдошларимизни бор имкониятларини ишга солиб, хавфсизлик чораларини кўришга даъват этардик. Айниқса, ота-оналар ўз фарзандларини қаровсиз қолдирмасликлари, уларнинг тез алангаланадиган моддалар билан ўйнашларига йўл қўймасликлари керак. Шунда ёнгин билан боғлиқ кўплаб аянчли ҳодисаларнинг олдини олишга ҳисса қўшган бўлардилар.

Зоҳид МИРЗААХМЕДОВ,
ИИБ ЁХББ бўлим бошлиғи,
подполковник

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси эълон қилган дунёдаги энг кучли футбол клубларининг янги рейтинг жадвалига кўра, Ўзбекистон миллий чемпионати голиби, мамлакат кубоги соҳиби ва қитъа чемпионлар ли-

15 ПОҒОНА КЎТАРИЛДИ

гаси ярим финалчиси — «Пахтакор» кучли икки юзталикка кирган Осиёнинг ягона жамоаси бўлиб турибди. Аввалги рейтингта нисбатан пахтакорчилар ўн беш поғона юқорилади. Ҳозирча 114 очко жамғарган «Пахтакор» дунёнинг энг кучли жамоалари рўйхатида 103-ўринни эгаллаб турибди. Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерациясининг янги жадвалини Испаниянинг «Валенсия» жамоаси бошқариб бормоқда. Кейинги ўринларда «Манчестер Юнайтед» (Англия) ҳамда «Ювентус» (Италия) қайд этилган.

эмас. Шунга ўхшаш воқеа октябрь ойида «Сан Казтану» жамоасининг ўйинчиси Сержинью билан ҳам содир бўлган.

Сержинью «Сан-Паулу» билан кечган ўйиннинг иккинчи тайм 15-дақиқасида юрак хуружи натижасида вафот этган. Йил бошида эса, Венгрия терма жамоаси ўйинчиси Миклош Фехер Португалия чемпионатида «Бенфика» ва «Виктория» ўртасидаги учрашувда ҳаётдан кўз юмган.

ШУМАХЕР "ЧЕМПИОНЛАР ПОЙГАСИ"НИ БОЙ БЕРИБ ҚЎЙДИ

Феррари жамоасининг пойгачиси Михаэль Шумахер Парижнинг "Стад де Франс" майдонида ўтказилган "Формула - 1" доирасидаги "Чемпионлар пойгаси"ни унча номи чиқмаган Финляндиялик Хейкки Ковалайнен исмли пойгачига бой бериб қўйди.

"Ниссан" турнирининг голиби "Рено" жамоасининг тест-пойгачиси Хейкки турнир финалида Шумахер, Култхард ва Себастьян Леоб каби номдор пойгачиларни бирин-кетин ортда қолдириб кетди.

Фалабадан сўнг 23 ёшли спортчи эришган натижасига анча вақтгача ишонмади.

Бу мусобақа хайр-эхсон турнири эди. "Формула-1"нинг етти карра жаҳон чемпиони Шумахер ўзи кўрсатган натижадан унчалик қониқмасида, интервьюсида: "Менга бундай тадбирда қатнашиш жуда ёқди. Мағлубиятга учраган бўлсам ҳам, энг муҳими, бемор инсонларга ёрдам қилини чўзим-ку" деди.

ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети
109- япон гуруҳи талабалари тайёрлади.

Futbol

ГЕРМАНИЯ САРИ ЙЎЛ

9 декабрь куни Куала-Лумпур шаҳрида ЖЧ - 2006 саралаш баҳсларининг финал босқичига қуръа ташланди. Унга кўра, Осиёнинг энг кучли саккиз жамоаси қуйидаги икки гуруҳда 2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритиш учун кураш олиб боради.

"А" гуруҳи

Жанубий Корея
Саудия Арабистони
Ўзбекистон
Кувайт

"В" гуруҳи

Япония
Эрон
Баҳрайн
КХДР

Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар Германияга тўғридан-тўғри йўл оладилар. Учинчи ўринни эгаллаган икки жамоа уйда ва сафарда учрашиб, голиб терма жамоа КОНКАКАФ минтақасининг тўртинчи жамоаси билан ЖЧ-2006 йўлланмаси учун баҳс олиб боради.

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги рақиблари билан ўзаро учрашувда бугунгача қуйидаги натижаларни қайд этган: 1994 йил. Ўзбекистон - Жанубий Корея - 1:0 (Осиё ўйинлари)

1997 йил. Жанубий Корея - Ўзбекистон - 2:1 (ЖЧ-98 саралаш)

Ўзбекистон - Жанубий Корея - 1:5 (ЖЧ-98 саралаш)
1994 йил. Ўзбекистон - Саудия Арабистони - 4:1 (Осиё ўйинлари)

2000 йил. Саудия Арабистони - Ўзбекистон - 5:0 (Осиё кубоги)

2004 йил. Ўзбекистон - Саудия Арабистони - 1:0 (Осиё кубоги)

1998 йил. Кувайт - Ўзбекистон - 3:3 (Осиё кубоги)

ОФК ЖЧ - 2006 саралаш финал босқичи ўйинлар жадвалини ҳам тасдиқлади:

"А" гуруҳи

9 февраль, 2005 йил

Жанубий Корея - Кувайт
Ўзбекистон - Саудия Арабистони

25 март

Кувайт - Ўзбекистон
Саудия Арабистони - Ж.Корея

30 март

Кувайт - Саудия Арабистони

Ж.Корея - Ўзбекистон

3 июнь

Саудия Арабистони - Кувайт
Ўзбекистон - Ж.Корея

8 июнь

Кувайт - Ж.Корея

Саудия Арабистони - Ўзбекистон

7 август

Ж.Корея - Саудия Арабистони
Ўзбекистон - Кувайт

Умид қиламизки, футболчиларимиз бу йилги саралаш ўйинларида муваффақиятли тўп суриб, ЖЧ - 2006 га йўл олиб, миллионлаб мухлисларга олам-олам қувонч бахш этадилар.

Элмурод НИШОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2005-2006 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчиларни ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 2004 йил 1-декабр куни ўтказган тендер голиблари рўйхати

Ўқувчилар дафтари бўйича:

- 1.МЧЖ "Рен Полиграф"
- 2.ОАО "Янгиюль полиграф сервис"
- 3.ИПДУ "Ўзбекистон"

Расм дафтари:

- 1.МЧЖ "Рен Полиграф"
- 2.ОАО "Янгиюль полиграф сервис"

Рангли қалам:

- 1.СП "Азия трейд"
- 2.СП "Лорен дон"

Оддий қалам:

- 1.СП "Ойбек Квебек"
- 2.СП "Лорен дон"

Акварел бўёғи:

- 1.ХФ "Беш ёғоч"
- 2.ХФ "Саноат интер нур"
- 3.МЧЖ "Дримс"

Рангли қоғоз:

- 1.МЧЖ "Рен Полиграф"

Пенал:

- 1.МЧЖ "Закамск"
- 2.ХФ "Крокус-люкс"

Ўчиргич:

- 1.КК "Азия-трайд"
- 2.ХФ "Саноат-интер нур"
- 3.СП "Ойбек Квебек"

Ручка:

- 1.МЧЖ "Озиқ-Овқат-Савдо"

Елим:

- 1.ХК "Беш ёғоч"
- 2.КК "Азия-трайд"

Пластелин

- 1.МЧЖ "Закамск"
- 2.ХК "Крокус-люкс"

Ўқувчилар сумкаси бўйича:

- 1.ХК "AMR-BEST"
- 2.МЧЖ "Орзу атторлик"
- 3.МЧЖ "РОЕЛ"
- 4.СП "Азия трайд"
- 5.ХКТФ "Ал-жаҳон"
- 6.ИЧК "Беқасам"
- 7.СИЧК "Гулбахор 2001"
- 8.СИЧФ "Де Вирс"
- 9.КТФ "Зангин плюс"
- 10.ХФ "Зиё нурмаркет"
- 11.ХФ "Зулфиддин Хожи ота"
- 12.ХИЧФ "Ишонч"
- 13.ХКК "Капитолли"

- 14.КИТЧФ "Комета-АНД"
- 15.ХФ "Крокус люкс"
- 16.ХФ "Майин шабода"
- 17.ХФ "Матонат-777"
- 18.СП "Навойи корпорейшен"
- 19.КТХФ "Нозимабон-2001"
- 20.МЧЖ "Наманган торг сервис"
- 21."Нексен таъминот сервис"
- 22.КТИЧСК "Неъматжонхожи"
- 23.ХФ "Норбобо Йўлдош ўғли"
- 24.СП "Ойбек Квебек"
- 25.ХФ "Саноат куёши"
- 26.КТИЧФ "Сатурн плюс юпитер"

- 27.КТСИЧК "Танет"
- 28."Тикувчилик саноат барака"
- 29."Торг савдо нур"
- 30.ХК "Узандриовжсавдо"
- 31.ХФ "Фаровон файз"
- 32."Хайратон ишонч"
- 33."Чармпойафзалтаъминот"
- 34.МЧЖ "Шамс-Савдо-Сервис"
- 35.ХИЧТФ "Шарқ қолдузи"
- 36.МЧЖ "Хўжаобод"
- 37.МЧЖ "Савдо Махсус ишонч"
- 38.АО "Тарандубитель"

Ko'ngil bitiklari

СОҒИНЧ

Бир юлдузга шу кенг осмон етишмайди,
Менинг қалбим чирик ёқса ёришмайди.
Бугун Фарҳод-Ширин бўлмак имконда бор,
Фақат вафо, асл макон етишмайди.

Кошки, эшигингда бир занжир бўлсам,
Ўтган-қайтганимда кўнсам кўлингга.
Лоақал бир сўз бўлсам қалбинг тўрида,
Титрардим япроқдай олсанг тилингга.

Умидим, армоним, толеим, тахтим,
Сенинг юрагингда мен учун жой йўқ.
Қорайган кўзлар ҳам қизармас энди,
Ҳижрон бойлик бўлса, мендаин бой йўқ...

Наргиза НЕЪМАТОВА,
1-Тошкент педагогика
коллежи талабаси

Дониёр мактабга кетаётган эди, унинг кўзи кўчанинг ўртасида учолмасдан ётган зағчага тушди. У ҳеч иккиланмай қушни олиб уйига қайтиб борди. Мактабга борма қайтиб келган ўғлига кўзи тушган онаси койиди:

— Нега қайтдинг, нимадир эсингдан чиқди-ми?

— Йўқ... Ойижон, мана бу зағчани қаранг, оёғи синган, ҳам қаноти қайрилган. Раҳим келди, балки полонлари кутаётгандир? Бизнинг эски айвондаги она зағчага ўшар экан. Ойи, ўша бўлса-чи...

Онаси ҳам боласининг қушларга бўлган меҳридан ичида қувонди. Она-бола биргалашиб, паррандининг оёғини боғлаб, қанотига малҳам суриб, иссиқ хонага қўйишди.

— Энди кеч бўлса ҳам мактабингга бор ўғлим, ўқитувчинга бўлган воқеани тушунтирсанг, кечиради.

Дониёр руҳсат олиб синфига кирди. Муаллим ўқувчисининг қилган ишидан хурсанд бўлди, ҳамма ўқувчиларга ҳам ана шундай қушларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлиш керак-

МЕҲР

лигини, уларнинг боғларимизга, экинларимизга қанчалик фойда келтиришини ўқтирди.

Дарслар тугагач, Дониёр билан синфдошлари зағчани кўришга келишди, қуш иссиқ хонада қанотлари остига малҳам қўйилгандан кейин анча ўзига келиб қолган эди. Болалар ҳаяжонда бирма-бир қўлларига олиб, меҳр билан қанотларини силаб, яна жойига қўйишди. Зағча кундан-кун соғайиб, олдига қўйилган донларни еб, уй ичида уча бошлади. Буткул соғайгач, ҳовлига ўчиб чиқди ва ҳар куни айвон олдига ўчиб келиб, бир сайраб кетарди. Бу унинг миннатдорлик ҳисси эди.

... Қалин қор ёққан эди. Мактабдан қайтишда Дониёр яхмалакда сирпаниб, оёғи қаттиқ шикастланди. Ўша жойда инграб ўтирганда, кўпгина зағчалар ичида ўша даволанган зағча ҳам атрофида айланиб ўчиб кетди. Бир вақт зўрға судралиб, уйи томон бораётганди, шошиб келаётган онасини кўрди:

— Нима бўлди, ўғлим, — дея онаси уни суяб ўшлади.

— Қаердан билдингиз ойижон?

— Нон ёпаётган эдим, тандир атрофида ўша зағча бошимдан кўп айланди, кейин бирин-кетин нонларим тандир ичига тушиб кетди. Кўнглим нотинч бўлиб, сендан хавотир ола бошладим. Чунки, мактабдан қайтар вақтинг анча ўтиб кетди. Шунинг учун мактабингга келаётган эдим. Бекорга зағча атрофимда айланмаётган экан.

Дониёрнинг оёғи тузалди, ўша зағча ҳар куни бир ҳовлиларини айланиб, ўчиб кетарди. Дониёр ҳам, онаси ҳам билдики, ҳақиқий меҳр, яхшилиқни ҳаттоки қушлар ҳам унутишмайди.

Саломатхон ҲАСАНОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI аср бошида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган янги имлодаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.




ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН

- 1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
- 2. Дунё аҳолиси;
- 3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
- 4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор "Исроилов Дилмурод Зокирович"

"СЕҲРЛИ ТАЁҚЧА" КРОССВОРДИ



ЭНИГА: 1. Бразилиялик футболчи — Жовани ... 4. Навоийнинг шоҳ асари. 7. Италиялик машҳур футболчи, ЖЧ-98 да 2-рақамли тўпурар. 12. Хипча ... 13. Италия футбол клуби. 14. Фароғат, ором. 15. Орадан кўтариш. 16. Қадимий курул тури. 18. Кавказдаги халқ ёки сувости видеокамераси ихтирочиси. 20. Хамирли, гўшти тансиқ таом. 22. Зеб, зийнат, пардоз. 24. Тамом, охир. 26. Ушалмаган орзу. 27. Тошкент сўзининг арабча айтилиши. 28. Маълумотнинг асоси. 29. Катта ўғил. 31. Бокс кироли — ... Али. 33. Алишер Навоийнинг устози. 35. Буюк раббимиз. 37. Мард, жасур. 39. Уч юз олти беш кун. 40. Норвегия пул бирлиги. 41. Энг кўп ишлатиладиган ҳарф. 42. Сабзавотлардан тайёрланадиган иккинчи таом. 43. Меҳнат курулларининг ушлагичи. 44. Отанинг ақаси. 48. Пулини кейин бериш шарти билан олинган мол. 50. Катта буви, момо. 52. Энг узун дарё. 54. Эртақлардаги катта илон. 55. Шум-така, шўх бола. 56. Қадимий транспорт воситаси. 57. Момо, буви. 59. Россия телеканали. 61. "Сеҳрли таёқча" номини олган италиялик футболчи. 63. Довуд алайҳиссаломга туширилган китоб. 65. Субтропик мева. 67. Юрак, қалб. 69. Сулаймон пайғамбарнинг отаси. 71. Ноёб, камёб. 72. Овкатга энг зарур масаллик. 73. Цитрус мева. 74. Ҳайвон тури. 75. Сабрли маъносини билдирувчи исм.

БҮЙИГА: 1. 30-йиллар қатғони қурбонларидан бири, шоир. 2. Асал. 3. Йирик настриқ асар. 4. Латифа, кулгили воқеа. 5. Денгиз узунлик ўлчов бирлиги. 6. Қатикдан тайёрланадиган яхна ичимлик. 7. Она юрт. 8. Мийим қисми. 9. Биринчи исломий фарз. 10. Етакчи, ўзиб кетган. 11. ... Яссавий. 17. Жалолдин Румийнинг невараси, олим — ... Чалабий. 19. Халқ оғзаки ижоди жанри, нақл. 21. Мароқаш пойтахти ёки қарвонсарой. 22. Волида. 23. Бузруквор. 24. Дада. 25. Саводсиз. 30. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 32. Полиэтилен экин; таркибида қанд моддаси кўп ўсимлик. 33. Бир қоп ун, ичида устун. 34. Дукчи Ўшнинг касби. 35. АҚШнинг иккинчи президенти. 36. Бировни кўра олмаслик, гараз. 37. Қурилиш мосламаси. 38. Ҳиндистон пул бирлиги. 45. Араб алифбосига асосланган ҳисоб. 47. Сувчи. 49. Қир ювиш мосламаси. 50. Вақт ҳисоби. 51. Мотам. 52. Моданинг акси. 53. Кўплик қўшимчаси. 58. Мол-қўй, туёқли уй ҳайвонларининг умумий номи. 60. Классик ўзбек шоири. 61. Ҳиндистонда яшаб ўтган мутасаввуф шоир. 62. Асл исми Манзура Собирова бўлган ўзбек шоираси. 63. Франциялик машҳур футболчи. 65. Россиянинг собиқ президенти — ... Ельцин. 66. Қармоқ, ... ташламоқ. 68. Араб алифбосидаги ҳарф. 70. Қиш зийнати. 72. Ибн Сино асари: "... қонунлари".

Тузувчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Xullas...

ИНТЕРНЕТДА ОШХОНА

Англиялик саноатчи-дизайнер Чарлз Ингри Шени интернетга киришнинг ажойиб-ғаройиб йўлини топди, бу унинг ошхона доскаси. Чарлз шунга аминки, бу электрон ошхона пандачилик маҳорати етишмаётганлар учун айти муддао. Ошхона сайтида маҳсулотлардан қандай қилиб нодир таомлар тайёрлаш мумкинлиги бўйича рецептлар бор, деб ёзади Буюк Британиядаги «Сан» газетаси.

ИЧИБ ОЛГАН БОЛА

Уч яшар болакай тўйиб ароқ ичган ота-онасининг кайфи ошган бир пайтда, рюмкага қўл узатди ва ичиб тугатилмаган шаробни оғзига олиб борди. Бир қултумининг ўзиёқ болани алангаи оташ қилиб ташлади. Эр-хотин эса, буни сезганлари ҳам йўқ. Фақат бола чинқириб йиғлай бошлагандагина улар зудлик билан «тез ёрдам» чақиритишга мажбур бўлишди. Ҳайриятки, жонга малҳам қўювчи шифокорлар тезликда бола организмининг ювиб, ўзига келтиришди. Бу воқеа ҳақида Тюмендаги барча оммавий ахборот воситаларида маълум қилинди, токи бундан ичкиликбозликка берилган ота-оналар огоҳ бўлишсин.

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ
Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-226.
Тиражи 17975. 1 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.
Навбатчи муҳаррир: Хусан НИШОНОВ.
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Ма'рифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳрират рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳриратга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
белгиси остида реклама материаллари берилади.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда
Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
сахифалади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.